

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

Қулёзма ҳуқуқида

5A340102 “Тармоқлар иқтисодиёти”

УСМАНОВ ЗАЙНИДДИН БЕРДИРАСУЛОВИЧ

**ЖАМИЯТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КИЧИК
БИЗНЕС ВА ҲУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХУДУДИЙ МАСАЛАЛАРИ (САМАРҚАНД
ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**мавзусидаги
МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ**

Иш кўриб чиқилди ва

химояга қўйилди.

“Иқтисодиёт” кафедраси

муdiri, проф. Б.А.Абдукаримов

_____ «_____» _____ 2012 йил

Илмий рахбар:

И.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

САМАРҚАНД-2012 й.

Самарканд иктисодиёт ва сервис институти магистранти Усманов Зайниддин Бердирасуловичнинг 5A340102-"тармоклар иктисодиёти" мутахассислиги буйича «Жамиятни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг ҳудудий масалалари»(Самарканд вилояти мисолида) мавзусидаги диссертация ишига расмий оппонент О.Муртазаевнинг

ТАҚРИЗИ

Жамиятни модернизациялаш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш шароитида амалга оширилаётган иктисодий ислохотларнинг энг муҳим устувор йуналишларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган. Ижтимоий йуналтирилган бозор иктисодиётининг ривожланиш жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан самарали фойдаланиш ва уларни йуналишларини аниқлаш келажакда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иктисодиётдаги ролини янада ривожлантириш муҳим шарт-шароити бўлиб ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдан самарали фойдаланиш жамият таракқиётининг ҳар бир босқичида такомиллашиб бормоқда, бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш гаровидир.

Ушбу магистирлик диссертация ишининг тузилиши кириш, тўртта бўб, ҳулоса ва тақлифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Магистирлик диссертация ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, мавзунинг урганилганлик даражаси, магистирлик диссертация ишнинг объекти, магистирлик диссертация иш ҳажми ва унинг таркиби ҳақидаги маълумотлар берилган.

Магистирлик диссертация ишнинг биринчи боби **"Жамиятни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иктисодиётида туганган УР^{ни} ва уларнинг давлат томонидан қўллаб -қувватланиши "** га бағишланиб, бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тушунчаси, ҳаракати ва аҳамияти, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иктисодиётдаги улуши ва назарий масалалар назарий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Магистирлик диссертация ишнинг иккинчи бобида **"Самарканд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ҳолати ва уларнинг аҳолини иш билан таъминлаш борасида асосий йуналишлари "** деб номланиб, бунда "кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг" ташкилий-иктисодий курсаткичлари "Самарканд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг" ривожланиш босқичларининг таҳлил қилинган ва тегишли ҳулосалар берилган.

Магистирлик диссертация ишнинг учинчи боби **"Жамиятни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш истикболлари"** деб номланган. Бу бўбда асосий эътибор **"Самарканд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг" ривожлантиришга таъсир қилувчи омиллар, Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг" ривожлантиришни ва уларни самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари аниқланган.**

Магистирлик диссертация ишнинг тўртинчи боби **"Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги"** деб номланиб, асосий эътибор қорхонада ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш ҳамда

электр ва ёнгин хавфсизлигини олдини олиш, энг мухими меҳнат килаётган ходимлар хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бағишланган.

Магистирлик диссертация ишнинг хулоса на таклифлар қисмида Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иқтисодиётдаги улушини янада қупайтириш йуллари ҳақида яқуний хулосалар берилиб, Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарадорлигини ошириш йуллари борасидаги бир қатор таклифлар ва тавсиялар умумлаштирилган.

Магистирлик диссертация иш қатор қизмалар ва жадваллар билан бойитилган ҳамда мавзунинг тулик мазмуни очилган.

Шу билан бирга ишда айрим қамчиликлар ҳам мавжуд. Улар жумласига қуйидагиларни қиритиш мумкин:

- ишда грамматик қатоларга йул қуйилган;

Ушбу қамчиликларга қарамай Усманов Зайниддин Бердирасуловичнинг **"Жамиятни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг ҳудудий масалалари."** (Самарқанд вилояти мисолида) номли магистирлик диссертация ишини илмий аҳамияти қатта булиб, ишнинг мазмуни ва моҳияти Давлат Аттестация Ҳайъати томонидан қуйилган талабларга жавоб беради ва унинг муаллифи Усманов Зайниддин Бердирасуловичнинг "Иқтисодиёт" йуналиши бўйича магистирлик академик илмий даражасини олишга лойиқ деб ҳисоблайман.

Самарқанд қишлоқ ҳужалқик
институти "Иқтисодиёт ва бошқарув"
кафедраси мудир, и.ф.д., i профессор



О.Муртазаев

Самарканд иктисодиёт ва сервис институти 5A230102 "Иктисодиёт (Тармоқлар ва соҳалар бўйича)" мутахассислиги 2-чи босқич магистранти Усманов Зайниддиннинг Жамиятни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг ҳудудий масалалари (Самарканд вилояти мисолида) мавзусидаги магистрлик диссертацияси хусусида илмий раҳбар

МУЛОҲАЗАСИ

Магистр Усманов Зайниддиннинг "Жамиятни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг ҳудудий масалалари" номли магистрлик диссертация иши мавзуси ҳозирги кунда Самарканд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш йулларини топишга бағишланган бўлиб, бугунги кунда ута долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда иктисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиш, иктисодиётни модернизациялаш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш шароитида катор ижтимоий - иктисодий вазифаларни ҳал этиш тақоза қилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш хизмат курсатишнинг асосий бугунидан бири бўлиб, ўзига ҳос хусусиятларга эга. Айнан ушбу иш шу хусусиятларни очиқ беришга қаратилгандир.

Магистрлик диссертация иши кириш, тўртта бўб, ҳулоса, тақлифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Магистрлик диссертация ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, мавзунинг урганганлик даражаси, тадқиқотнинг объекти, магистрлик диссертация иши ҳажми ва унинг таркиби ҳақидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи бўби "Жамиятни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иктисодиётида тутган ўрни ва уларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши"га бағишланган бўлиб, бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг моҳияти, унинг иктисодиётда тутган ўрни ва назарий асослари тадқиқ этилган.

Магистрлик диссертациянинг иккинчи бўбида "Самарканд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш шартлари ва уларнинг аҳолини иш билан таъминлаш борасида асосий йўналишлари" деб номланиб, бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-иктисодий курсаткичлари, Самарканд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланиш босқичлари таҳлил қилинган ва тегишли ҳулосалар берилган.

Магистрлик диссертациясининг учинчи бўби модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш истикболлари" деб номланган. Бу бўбда асосий эътибор Самарканд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга таъсир қилувчи омиллар, Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожлантирилиши ва уларни самарадорлигини оширишнинг асосий йуллари аниқланган.

Магистрлик диссертациясининг тўртинчи бўби "Хўб фаолияти ҳавфсизлиги" деб номланиб, асосий эътибор қўрқонда ҳодимлар меҳнатини муҳофаза қилиш ҳамда электр ва ёнғин ҳавфсизлигини олдини олиш, ёнғин муҳими, меҳнат қилаётган ҳодимлар ҳавфсизлигини таъминлаш масалаларига бағишланган.


Магистрлик диссертациясининг хулоса ва таклифлар қисмида Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётдаги улушини янада қупайтириш йуллари ҳақида яқуний хулосалар берилиб, Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарадорлигини ошириш йуллари борасидаги бир қатор таклифлар ва тавсиялар умумлаштирилган.

Магистрлик диссертация иши қатор қизмалар җадваллар билан бойитилган ҳамда мавзунинг мазмуни очилган. Мавзу бўйича муаллифнинг 3 - та мақоласи нашр қилинган.

"Ҷамиятни

Ушбу қамчиликларга қарамай Усманов Зайниддин Бердирасуловичнинг "Ҷамиятни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг ҳудудий масалалари"(Самарқанд вилояти мисолида) номли магистрлик диссертация иши илмий аҳамиятга эга. Ишнинг мазмуни ва моҳияти давлат Аттестация Хайъати томонидан қуйилган талабларга җавоб беради ва унинг муаллифини "Иқтисодиёт йуналиши бўйича магистрлик академик илмий даражасини олиш лойиҳа, деб ҳисоблайман.

**Илмий раҳбар: и.ф.д.,
профессор**



М.Қ.Пардаев

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I БОБ. Жамиятни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва уларнинг давлат томонидан қўллаб –қувватланиши	6
1.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни.....	6
1.2. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб қувватланиши борасида қўрилган чоралар	12
1.3 Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда хорижий давлатларнинг тажрибалари.....	29
II БОБ. Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ҳолати ва уларнинг аҳолини иш билан таъминлаш борасида асосий йўналишлари.	39
2.1. Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланиш босқичлари.....	39
2.2 Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳолини иш билан бандлигини таъминлашдаги роли ва ўрни.....	46
2.3. Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришнинг SWOT таҳлили.....	50
III БОБ. Жамиятни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш истиқболлари.	56
3.1. Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари.....	56
3.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига инновация ва инвестицияларни жалб қилиш йўли билан ривожлантириш истиқболлари.....	66
3.3 Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи савдо фаолиятининг ривожланиш ҳолати ва истиқболлари.....	71
IV-БОБ. Самарқанд вилоятида хизмат курсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида меҳнат ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари.....	80
4.1. Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида меҳнат хавфсизлигини таъминлаш масалалари.	80
4.2. Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари.	83
Хулоса.....	87
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	93

Кириш

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз тараққиётида, авваламбор, халқимиз учун муносиб ҳаёт барпо этиш, олдимизда турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни амалга ошириш борасида қандай ҳал қилувчи ўрин ва таъсирчан бўлиб бораётганига бугун амалий ҳаётимизда ҳар қадамда гувоҳ бўлмоқдамиз.

Бу соҳа эртанги кунимиз, истиқболимизнинг ҳақиқатан ҳам мустаҳкам пойдеворига айланиб янада ривожланиб бориши аниқ ва муқаррардир.¹

Ҳозирги кунда республикамызда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиб келинмоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш масаласига давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси сифатида қаралмоқда.

Ҳисобот йилида янги иш ўринлари ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳам эътиборимиз марказида бўлди. Худудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида яратилган 1 миллионга яқин иш ўрнининг 68 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 64 фоиздан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоиздан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобидан яратилди². Солиқ юкини, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан олинадиган солиқ юкини сезиларли даражада камайитириш белгиланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2012 йил январдан бошлаб 6 фоиздан 5 фоизга туширилган.

¹ Ислон Каримов

² Президент И.А.Каримовнинг 2011-йилнинг асосий якунлари маърузаси

Ушбу соҳа нафақат миллий иқтисодиётнинг ўсиш суратларини жадаллаштириш, балки бугунги кун учун долзарб ҳисобланган аҳолини иш билан таъминлаш ва турмиш даражасини ошириш масалаларни ҳал этишда етакчи ўрин тутмоқда.

Лекин шу билан бирга, бу борада айрим муаммоларга ҳам дуч келинмоқдаки, бунинг асосий сабаби кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган шахсларнинг ишини нимадан бошламоқ кераклиги, уни қандай ташкил этиш зарурлиги ва бошқариш сирлари ҳақида тўла тасаввурга эга эмаслигидадир.

Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдир.

Бу бозор сиёсатининг ўзгариши билан ёки корхонанинг ички ва ташқи омиллари таъсирида аниқланади. Лекин тадбиркорнинг асосий мақсади манфаат (фойда) кўриш билан бир қаторда, бозорда самарли фаолият юритишни таъминлайдиган ишларни амалга оширишдир. Бунинг учун тадбиркорликни бошқариш ва унга кўмак берувчи замонавий менежмент усулларига асосланган механизмни яратиш ва ундан унумли фойдаланишни таъминлаш зарурдир. Бозор шароитида тадбиркорликни бошқаришга унинг қуийдаги хусусиятларини ҳар доим бозордаги талаб ва таклифни эътиборга олиб иш кўради;

-тадбиркор самарадорликни таъминловчи саъй – ҳаракатлар қилиб, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш йўллари қидиради;

- бизнеснинг провард натижаларига жавоб берадиган шахслар, ўз бизнесларини эркин шарт – шароитларда олиб боришга етарли имкониятлар яратадилар;

-кичик корхонанинг провард натижалари, яъни унинг оладиган фойда ёки зарари фақат бозордаги олди – сотди жараёнида маълум бўлади;

- кичик бизнес билан шуғуланувчи тадбиркор ўз маблағларини ҳаркатга солиб бозорда қандай хавф – хатарга дуч келиши ёки якуний натижа қандай бўлишини аниқ билмайди.

Шундай қилиб, тадбиркорлик - иқтисодий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, унинг замирида мустақил ташаббус, жавобгарлик, тадбиркорлик ғоясига асосланган, фойда олишга йўналтирилган, мақсадга мувофиқ фаолият ётади.

Тадбиркорлик иқтисодий фаолликнинг алоҳида тури бўлиб, унинг бошланғич босқичи, одатда, фикирлаш фаолияти ёки унинг натижаси билан боҳоланган бўлади, фақат у кейин моддий шаклни олади.

Тадбиркорлик янгилик киритиш, товар ишлаб чиқариш фаолиятини ўзгартириш ёки корхонани (шу жумладан, кичик корхонани) ташкил қилиш соҳасида ижодкорликнинг мавжудлиги билан таърифланади.

Тадбиркорлик фаолиятининг ижодкорлик жиҳатлари бошқарувнинг янги тизимда ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги усуллари ёки янги технологияларини татбиқ этишда ўз ифодасини топади.

Тадбиркорлик ва истеъмолчининг ўзаро муносабатларда тадбиркорлик фаол субъект категориясига киради. Истеъмолчи эса пассив рол ўйнайди. Бу ўзаро муносабатларни таҳли қилишда истеъмолчи тадбиркорлик жараёнинг индикатори ролини бажаради. Тадбиркор фаолияти предмети ташкил этувчи барча эга бўлган ҳолдагини амалга оширилиши мумкин. Бундан истеъмолчи томонидан товарга баҳо берилади ва кейин у ёки бу товарни харид қилишга тайёрлиги аниқланади. Тадбиркор ўз фаолиятини режалаштириш ва ташкил этишда истеъмолчининг кайфияти, истаги, манфатларини ҳисобга олиши керак.

I БОБ. ЖАМИЯТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА УЛАРНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ –ҚУВВАТЛАНИШИ.

1.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни.

Мамлакатимизда хорижий мамлакатлар тажрибасига суянган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга давлат томонидан катта эътибор берилмоқда. Бунга мисол 1995 йилнинг 21-декабрида Олий мажлис томонидан қабул қилинган “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини мисол қилиб кўрсатса бўлади. Эркин рақобатга тобора кенг имкон яратиш, турли мулкчилик шаклларидаги бозор субъектлари ўртасида бўладиган иқтисодий – ҳуқуқий муносабатларни жоҳон андозалари даражасида ташкил этиш борасида ушбу қонун муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур қонуннинг 2 моддасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг миқёси аниқ белгилаб берилган. Жумладан, саноат ва кўрилишда -50 кишигача кишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида -25 кишигача, фан ва илмий хизмат соҳаларида -10 кишигача, чакана савдода 5-кишигача бўлган корхоналар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик доирасида корхоналар бўлиб ҳисобланади 2004 –йилда кишилар сони тармоқларда 200- тагача ўзгартирилган.

Хўш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланган давлатларда қандай эътироф этилади ва унинг моҳияти нимадан иборат.

АҚШ да 500 тагача ходими бўлган корхона ҳисобланади. Германия ва бошқа Ғарбий Европада давлатларида эса 300 тагача ходим бўлган корхона кичик корхона ҳисобланади.

Хорижий мамлакатларда кичик корхоналарни 2-та томонан ўзгача турларга бўлиш мумкин;

1. Ҳаётни таъминловчи корхоналар.

2. Тез ўсувчи корхоналар.

Одатда кичик корхоналарнинг қарийиб 80- 90 фоизи ўта кичик бўлиб, улар ўсиш учун чекланган имкониятларга эга. Бундай корхоналар ҳаётни таъминловчи корхоналар деб юритилади. Ушбу турдаги корхоналарга маслаҳат хизмати кўрсатувчи фирмалар тор доирада ихтисослашган дўконлар, кафе ва шу кабилар киради. Улардаги ходимлар тўлиқ бўлмаган иш кунига эга бўлиб, фирма манзиллари сифатида тадбиркорлар ўз ўйларидан фойдаланадилар ҳаётни таъминловчи корхоналар кичик бизнес корхонаси бўлиб, унинг эгаси етарли турмиш даражасини таъминлаш мақсадида ташкил этади.


Иккинчи турдаги корхоналар тез ўсувчи корхоналар деб номланади. Уларнинг бундай номланишига сабаб, уларнинг мақсади тезроқ кичик бизнес чегарасидан чиқиб ривожланишдир. Тез ўсувчи корхоналар кичик бизнес корхонаси бўлиб, улар тезкор ўсиш тенденциясига ва қушилган сармоянинг юқори қайтимлигига эга ҳисобланади. Одатда бундай туркум корхоналарга бир неча киши раҳбарлик қилади. Тез ўсувчи корхоналар йирик инвестиция манбаларига тез яқинлаша оладилар ва бунинг натижасида кенг бозорда янги товарлар ва хизматларни кўрсатиш имкониятига эга бўладилар.

Бундай турдаги корхоналар ҳар йил АҚШда чоп этиладиган “инк”журналида эълон қилинади. 1990 йили 500-та шундай компаниянинг йиллик обороти 9,6 млрд. Долларга тенг бўлди ва 56,8 минг иш жойини ташкил қилди.

Инқирозга қарши чоралар дастурида иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2011 йилда 54 фоизга етди, холбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоизни ташкил этган эди. Бундай натижа биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётганни самарасидир 1-расм.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши, фоизда



1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши, фоизда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг кенгайиши иктисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқларни ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғининг ошиши орқали ҳам намоён бўлди. Хусусан, мазкур соҳанинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2010 йилдаги 13,9 фоиздан 2011 йилда 16,9 фоизга, қишлоқ хўжалигидаги тегишли равишда 97,8 дан 97,9 фоизга, асосий капиталга инвестициялар ҳажмида – 23,1 дан

23,7фоизга,пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмида- 48,5 фоиздан 48,7 фоизга, экспорт ҳажмида 12,4 дан 14,6 фоизга қадар ошди.

1-жадвал

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётнинг асосий тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажмидаги улуши, фоизда

Кўрсаткичлар	2010 йил	2011 йил
Саноат	13,9	16,9
Қишлоқ хўжалиги	97,8	97,9
Курилиш	48,3	41,6
Савдо	48,1	46,5
Асосий капиталга инвестиция	23,1	23,7
Пуллик хизмат	48,5	48,7
Экспорт	12,4	14,6
Импорт	35,7	42,5


Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф тамонидан ҳисоб китоб қилинган.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу қадар жадал ривожланишида, аввало мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль уйнаётганлиги ҳисобланади.

Жумладан, бу борада 1996 йилда кичик саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови 38 фоиздан 2012 йилда 5 фоизга туширилди. 2-расмда келтирганмиз

2-расм

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари
учун белгиланган солиқ ставкалари**



**2-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун
белгиланган солиқ ставкалари.**

Юқоридаги маълумотлардан кўринадик, 1996-2012 йиллар мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун белгиланган солиқ ставкалари 38 фоиздан 5 фоизгача, яъни 7,6 мартага қисқарган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тадбирлари кучайтирилди. Хусусан, 2011 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 1 трлн. 850 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига ўндан ортиқ турдаги 8 мингга яқин инфратузилма муассасалари хизмат кўрсатиб, фаолият учун зарур шарт-шароитларни яратиб бermoқда. Бунинг натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб bormoқда.

2-жадвал

2010 йилда Ўзбекистонда яратилган иш ўринлари

2010 йилда яратиладиган жами иш ўринлари	94532
Ўтган йилга нисбатан. Фоизда	142,3
Шундан қуйидаги асосий йўналишларда яратилган иш ўринлари:	
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида	391809
Ўтган йилга нисбатан, фоизда	104,7
Уй меҳнатининг барча шакллари ташкил этиш, жами	196745
Шу жумладан, корхоналар билан кооперацияда (меҳнат шартномаси асосида)	77466
Янги объектларни ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқаришларни қайта қуриш ва кенгайтириш	70587
Иш жойларни кўпайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари (Инқирозга қарши дастур ва бошқа қўшимча чоралар	281391

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, мамлакатимизда 2010 йилда яратилган жами 940,5 мингдан ортиқ янги иш ўринларнинг 391,8 мингтаси (41,7 фоизи) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келмоқда. Бу ўтган йилдагига нисбатан 4,7 фоизга кўпроқ демакдир. Жами янги иш ўринларининг деярли 21 фоизи турли шакллардаги уй меҳнатини йўлга қўйиш, 7,5 фоизи янги объектларни ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқаришларни қайта қуриш ва кенгайтириш, деярли 30 фоизи иш жойларини кўпайтиришнинг қўшимча чора-тадбирларини амалга ошириш ҳисобига ташкил этилган. Натижада кичик тадбиркорликда банд бўлганларининг жами иқтисодиётдаги банд бўлганларга нисбатан улуши 2008 йилда 73,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб, 74,2 фоизга етган.

Бундан кўринадикки, жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини 3 жадвалдан кўрамиз ривожлантириш, иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатида амал қилмоқда.

1.2. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб қувватланиши борасида қўрилган чоралар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида 2011 йил августдаги 4354-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди. Бу фармонда асосан мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг асосий бўлган хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлайдиган барқарор қонунчилик базаси яратилганини қайд этиш зарур. Ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳитини ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилди.

Натижада сўнгги ўн йилда ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес улуши 31,1 фоиздан 54 фоизга ўсди, ушбу соҳада бандлик даражаси иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳолини умумий сонининг 49,7 фоиздан 74,5 фоизгача ошди. Аҳоли даромадларининг 47 фоиздан зиёди тадбиркорлик фаолиятидан тушган даромадлар ҳиссасига тўғри келади.

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурига мувофиқ жорий йилда тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожлантириш учун янада қулай бизнес – муҳитини яратиш бўйича комплекс чора – тадбирлар қабул қилинди.


Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш тартиби сезиларли даражада содалаштирилди ҳамда бу жараён янада очиклик касб этди. Рўйхатга олиш учун давлат божи ставкаси икки баробарга қисқартирилди. Ишчиларнинг йиллик ўртача сони 100 кишигача кўпайтирилган кичик корхоналар

шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати сезиларли даражада кенгайтирилди. Кичик бизнес субъектларини давлат харидлари жараёнига кенг миқёсда жалб қилиш механизми ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Давлат ва назорат идораларининг корхонлар молиявий – хўжалик фаолиятига аралашувини кескин камайтириш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини сезиларли равишда кенгайтириш бўйича чоралар қабул қилинди. Янги ташкил қилинган кичик корхоналар ва микрофирмаларни режали солиқ текширувларидан озод этиш муддати икки йилдан уч йилга узайтирилди. Солиқ ва бошқа мажбурий туловларни ўз вақтида тўлаётган, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларида уч йил давомида солиқ текширувларини ўтказиш тақиқланди. Тижорат банкларини капиталлашув даражаси ошмоқда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини, айниқса, уларнинг юқори технологик ускуналар харид қилиш учун имтиёзли кредитлаш механизмлари такомиллаштирилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитларни миқдори 3-расмда келтирилган.

3-расм

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун
ажратилган кредитлар миқдори**



Шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишига тўсқинлик қилаётган, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги чеклаётган бир қатор муаммолар ҳал этилмай қолмоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг давлат, солиқ ва назорат идоралари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларини аниқ белгилаб берадиган маъмурий регламент тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Очиқлиги таъминланмаган кўплаб рухсат бериш тартиблари ҳамон сақланиб қолмоқда. Назорат идораларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳолатлари учрамоқда. Кичик бизнес маҳсулотларини ҳудудий ва жаҳон бозорларига олиб чиқиш бўйича амалий механизм яратилмаган.

Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш, бозор ислоҳатларини ва чуқурлаштириш йўлидан жадал ҳаракат қилиш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини ошириш,

экспорт салоҳиятини ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини таъминлаш мақсадида:

Қуйидагилар Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг муҳим вазифалари деб ҳисобланишини таъкидлаб ўтди Президент И.А.Каримов.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларга барҳам бериш, давлат бошқаруви функцияларини қисқартириш ва тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат бошқаруви органлари томонидан амалга оширилаётган турли рухсат бериш меъёрлари ҳамда чеклаш тартибларини кескин қисқартириш:

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат бошқарув идоралари, солиқ ва назорат тузилмалари билан ўзаро муносабатларида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, ҳисобатлар тизими ҳамда молия, солиқ ва статистика идораларига ҳисоботларни топшириш механизмини уларни электрон тизим бўйича тақдим этишга босқичма-босқич ўтиш орқали тубдан соддалаштириш;

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ ҳамда бошқа тўловлар бўйича тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишга кўмаклашадиган қўшимча имтиёз ҳамда преференциялар бериш;

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорлик механизмини янада такомиллаштириш ва соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, уларга ажратилаётган кредитлар, биринчи навбатда, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга, мажуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишга ва технологик янгилашга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлар ҳажмини кўпайтириш;

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барча даражадаги давлат бошқарув идоралари, ҳуқуқини муҳофаза қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принципига амал қиладиган, яъни, унга мувофиқ, меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Адлия вазирлиги, бошқа манфатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига уларда тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принципини белгилашни кўзда тутувчи ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни пухта ишлаб чиқишни ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тақдим этилишини таъкидлаб ўтди.

2012 йилнинг 1 январдан санаот соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга камайтирилди.

2011 йилнинг 1 октябрдан бошлаб шундай тартиб жорий этилган, унга мувофиқ;

Солиқлар, божхона божлари ва йиғимлари, шунингдек, бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузганлик учун пеня миқдори кечиктирилган ҳар бир кун учун пеняни ҳисоблаш тартиби сақланган ҳолда, амалдаги миқдорига нисбатан учдан бир қисмига камайтирилди;

Юридек шахслар текширувлар натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек, молиявий санкцияларни ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб олти ой мобайнида тенг улушларда тўлаш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қумитаси, Молия вазирлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборатлаштириш агентлиги билан биргаликда барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини 2014 йилнинг

охиригача солиқ ва молия ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига босқичма-босқич ўтказишни таъминланган.

Марказий банк, Ўзбекистон банклари ассоциацияси, тижорат банкларининг тадбиркорлик субъектларига нисбатан банк фаолятининг янада очиқлигини ошириш ва лебераллаштириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлари қабул қилинган.

2011 йил 1 сентябрдан кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисоб рақами очганлик учун тўлов ундиришни бекор қилинган;

Тижорат банклари томонидан савдо ва сервис соҳасида харид қилинадиган товар (иш, хизмат)лар учун корпоратив пластик карталардан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга оширишда тўлов терминлари чекларини бирламчи бухгалтерлик ҳужжатларига тенглаштириш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банк муассасаларига энг кам иш ҳақининг йигирма баробари миқдоригача бўлган нақд пул тушумини мустақил топшириш ҳуқуқини бериш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Ўзбекистон банклари ассоциацияси, тижорат банклари билан ҳамкорликда бир ой муддатда халқаро молия тузилмалари, хорижий жамғармалар ва банклар билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан янги технологик ускуналар харид қилиш учун бериладиган кредитларнинг гарови билан қопланмаган қисми бўйича таъминотни тақдим этиш учун Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кафолатлаш фондини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларни вазирлар Маҳкамасига киритган:

- микрофирмалар ва кичик корхоналар ўзи ишлаб чиқарган товар (иш, хизмат)ларни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг 5 фоизини мажбурий сотишдан озод этилишини;

- хўжалик субъектлари ўрнатилган технологик ускуналарга Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича республикаси

худудига олиб келинадиган эҳтиёт ва бутловчи қисмлар учун 2006 йилнинг 1 январгача божхона тўловларини (божхона расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно) тўлашдан озод этилишини;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи қонунчилик ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритишини;

- юридик шахслар учун солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш билан боғлиқ бўлмаган санкцияларни бекор қилиш, айти пайтда такрорий қонунбузарликка йўл қўйган хўжалик субъектларининг мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини икки баробарга оширишни;

- божхона назароти муддатини уч йил билан чеклаш, шунингдек, товарлар божхона назоратидан ўтказиладиган бир йил кейин, божхона тўловларини қўшимча ҳисоблашни тақиқлашини.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф киритишини таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ўсишини таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва форовонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўлаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2011йил 54 фоизга етди. Холбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоизни ташкил этган эди. Бундай натижа биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани самарасини кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг барпо этишнинг асосий мақсадларидан бири мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик шакллари устувор ривожлантиришдан иборат. Бу мақсадни амалга ошириш учун иқтисодий ислохатлар ўтказилмоқда, унинг ролини ошириш учун йирик институционал асослар яратилмоқда. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва уни қафолатловчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, тадбиркорларга кўмаклашувчи нодавлат ташкилотлар, корхоналар шулар жумласига киради. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари мажмуини ташкил этиш муваффақиятли бормоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар давлатга боғлиқ бўлмаган ҳолда, яъни катта капитал маблағларсиз ўзлари иш жойларини жорий этишлари, ҳозирги даврда бизда вақтинчалик мавжуд товарлар танқислигини камайтиришлари ва, ҳаттоки, бу танқисликни бутунлай йўқотишлари мумкин. Кичик корхоналар технология янгиликларини жорий этишда ҳам ғоят катта аҳамиятга эга.

Республикаимизда кичик корхоналар сони ва улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Кичик корхоналар Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тўғрисида”, “Мулк тўғрисида”, “Эркин тадбиркорлик фаолияти қафолатлари тўғрисида”ги қаби қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этилмоқда.

Кичик корхоналар фан-техника тараққиёти шароитида саноатнинг етакчи соҳаларини янги технологияларига ўтишда тобора ўз ўрнини топиб бормоқда. Улар янги ахборат технологияларини жорий этиш билан иш жараёнини таъминловчи тизимнинг асосий боғловчилик сифатини намоён этмоқда.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жабҳаларида, машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, халқ истеъмоли молларини, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ҳамда бошқа соҳоларда фаолият юритмоқда. Кичик корхонлар ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан сифати жиҳатидан қолишмаслиги, ҳатто, айрим ҳолларда улардан юқори туриши билан ажралиб туради. Республикамиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг 60-70 фоизи бевосита ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқ, улар фермерлар, деҳқонлар, саноатчилар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларин қайта ишловчилар ва ҳоказолардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011йил 28 июлда қабул қилинган “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора –тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4232-сон Фармони “ Баркамол авлод йили” Давлат дастури доирасида белгиланган тадбирлар, яъни касб- ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишни, ўз навбатида уларни иш билан таъминланган кичик бизнес субъектларини рағбатлантиришни кўзда тутди.

Мазкур Фармонга кўра кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун имтиёз ва қулайликлардан фойдаланиш қўлами кенгайди. Яъни микрофирмалар ва кичик корхоналар касб-ҳунар коллежлари, академик лицелар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишни, ўз навбатида уларни иш билан таъминланган тақдирда, қонунчиликда белгиланган имтиёз ва енгилликларни сақлаб қолган ҳолда, ўз ходимлари сонини белгиланган чегаравий миқдоридан 20 фоизга ошириш имкониятига эга бўладилар.

Тадбиркорлик субъектлари турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги “Кичик тадбиркорлик (бизнес)

субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида”ги №439-сонли қарори билан белгиланган эди. Ушбу қарорга кўра микрофирмалар мулкчилик шаклидан қайтий назар, ишлаб чиқариш соҳасида йилига ўрта ҳисобда 20 нафаргача, хизмат кўрсатиш соҳасида 10 нафаргача, савдо соҳасида 5 нафаргача, кичик корхоналар эса мулкчилик шаклидан қайтий назар, ишлаб чиқариш соҳасида йилига ўрта ҳисобда фаолият йўналишига кўра 50-100 кишигача, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида 20-25 нафаргача иш билан банд ходимга эга бўлган юридик шахслар тушунилади. Мазкур қарор кичик корхоналарни аниқлаш мезони сифатида халқора амалиётда кенг қўлланилаётган рўйхатдаги ходимлар сони кўрсаткичини ягона ва белгиловчи мезон сифатида ажратиб берди. Бироқ, ушбу мезон фан ва техниканининг юксак тараққиёти шароитида корхонанинг ҳақиқий кўлами ҳақида аниқ тўғри маълумот бера олмаслиги мумкин.

Рақамларга мурожат қиладиган бўлсак, 2010 йилнинг 1 июль ҳолатига республика бўйича 425,5 мингта кичик бизнес субъектлари фаолият юритмоқда. Фармон билан киритилган тартиб асосида келгусида микрофирма ва кичик корхоналар ҳамда уларда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи ходимлар сони ўсиб, ўз навбатида, солиқ имтиёзларидан фойдаланувчиларнинг ҳам ошишига олиб келади. Президентимиз томонидан қабул қилинган Фармоннинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятига эътибор қаратадиган бўлсак, энг асосийси, таълим муассасалари, яъни касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини бевосита ўз танланган касблари бўйича иш ўринлари билан таъминлаш ҳисобига ёшларни иш билан бандлиги ва аҳолининг бандлик даражаси таъминланади.

Иккинчидан, таълим муассасалари томонидан кадрларни мақсадили тайёрлаш тизими такомиллашади, уларни тадбиркорлик субъектлари билан

шартномавий муносабатлари мустаҳкамланиб, амалий тажрибага эга бўлган кадрларни тайёрлаш салоҳияти кенгаяди.

Учунчидан, микрофирмалар ва кичик корхоналар билим ҳамда малакага эга бўлган ёш кадрлар билан таъминланиб, қўшимча иш ўринлари ташкил этилди. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматалар кўрсатиш ҳажмлари ошади, кичик бизнесни мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмидаги улуши ортади.

Шунингдек, мазкур фармон билан микрофирма ва кичик корхоналар учун яратилган имкониятлар туфайли уларнинг маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушумлари ошиши ҳисобига солиққа тортиладиган база янада кенгаяди. Бу эса, ўз навбатида давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларига тушадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳажми кўпайишига олиб келади.

Кичик корхоналар йирик компанияларига нисбатан улар бозор шароитига тезмослошади ҳамда ишлаб чиқарган маҳсулотларини бозорда муваффақиятли ўтишни таъминлашда бир қанча устунликларга эга. Чунки кичик корхоналар ўз фаолиятини тор ишлаб чиқариш дастурилари, илғор технология, кам туркумли илм-фан талаб қиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга тезда мослайди ҳамда бозор асосларини тез ўзлаштириб боради.

Мулкчилик шаклларига кўра кичик корхоналарнинг қуйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Давлат мулкига асосланган кичик корхоналар.
2. Жамоа мулкига асосланган кичик корхоналар.
3. Фуқораларнинг мулкига асосланган яка тартибда ишлайдиган кичик корхоналар.
4. Ижара корхоналари
5. Кичик қўшма корхоналар.

Кичик бизнес корхоналари фаолиятининг таҳлили улар қишлоқ хўжалиги соҳасида, айниқса жадал ривожланаётганлигини кўрсатади. 2009 йилда улар

сони 100 мингдан ошиб кетди. Қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқарувчиларнинг асосий ҳиссасини фермер хўжаликлари ташкил этади, уларнинг сони 2000 йилга нисбатан 4 баробор ошади. Бугунги кунда мамлакатимиз фермерлик хўжаликарида 1 миллиондан зиёд киши бўлиб, 2009 йилги пахта хомашёсининг 66 фоизи, ғалланинг 55 фоизидан ортиғи фермер хўжаликлари томонидан етиштирилди.

Республикаимизда кичик бизнес корхоналари сонининг изчиллик билан ортиши, иқтисодиётнинг барча секторларида, жумладан, транспорт, алоқа, соғлиқни сақлаш ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқларида ҳам кузатилмоқда.

Юқоридиги таҳлиллар шуни кўрсатадики, сунгги йилларда Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар иқтисодиётнинг барча тармоқларида ташкил этилмоқда. Шу билан кичик корхоналарнинг иқтисодиёдаги ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти қуйидагилар билан тавсифланади:

-Хусусий тадбиркорлик бозор иқтисодиёти шароитида зарур тезкорликни таъминлаб, ишлаб чиқаришдаги чуқур ихтисослашув ва тармоқлашган кооперацияни яратади, буларсиз юксак самарадорликни таъминлаб бўлмайди;

-бозор учун зарур рақобатчилик муҳитини яратади ҳамда ўзгариб турадиган бозор талабига мослаб тезда ишлаб чиқариш турини ўзгартириб олиш қобилиятига эга эканлиги билан ажралиб туради;

-Истеъмолчилик соҳасида юзага келадиган бўшлиқни тезда тўлдиришга қодир бўлиб, энг замонавий машина ускуналари ва технологиядан фойдаланиб сарфланган сармоянинг ўрнини жуда тез қоплай олади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг хусусиятлари (муомала қаптилининг кичиклитги, унинг тез айланивчанлиги, ишлаб чиқариш

воситаларини тезда алмаштириб имкониятлари ва б.) унинг бир қанча афзаликларга эга бўлиши имкониятларини яратади:

- изланиш, янги маҳсулотларни маромига етказиш ва ўзлаштириш, уларни талабнинг тез ўзгариб туриши хатарини ҳисобга олган ҳолда кичик уюшмаларда ишлаб чиқариш;

- тезкор техник сервиснинг ишончилиги ва истеъмолчилар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиш;

- ишлаб чиқаришни мослашувчан тарзда ташкил этиш ва маҳсулот сотишни бозор талаблари ҳамда бозор вазиятлари ўзгаришларига мувофиқ олиб бориш;

- ортиқча иш кўчини ўзига сингдириш;

- бошқаришнинг оддийлиги, катта маъмурий аппаратнинг йуклиги, курилиш ва лойиҳа қувватларини ўзлаштиришда қисқа муддат, капитал сарфларининг тез ўзини оқлаши, капитал айланмасида юқори тезлик.

- хомашё ва меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тўлиқроқ ва самаралироқ фойдаланиш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда у билан боғлиқ барча нарсалар замонавий ижтимоий ишлаб чиқариш ташкилий тузилмасини муҳим ва таркибий қисмини ташкил этади. Шунинг учун ҳам давлатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка муҳим ўрин ажратилиб, уларга давлат томонидан мадад берилмоқда..

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес фан-техника ривожини жадаллаштириш, саноатнинг илғор тармоқларида янги технологияларга ўтиш шароитида ўз ўрнини топиб бормоқда. Бундан тадбиркорлик янги ахборат технологиялари, янги ғоялар ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш билан ишлашни таъминловчи бутун тизимининг ажралмас қисмини ташкил этади. Бундан ташқари, кичик корхоналар таваккалчилик хавфи юқори бўлган шароитларда ишлаб чиқаришнинг маъқбул шаклларида ҳисобланади.

Кичик корхоналар технология янгиликларни жорий этишда ҳам ғоят катта аҳамиятга эга. Янги технологик ғояларни йирик корхоналарига нисбатан тезроқ қабул қилинадиган кичик бизнесда хатар камроқ ва катта туркумдаги ишлаб чиқаришга нисбатан ишини тезроқ йўлга қўйиш мумкин. Бу эса бизнинг шароитида фан – техника тараққиётини ривожлантиришга ёрдам бериши мумкин.

Иқтисодиётнинг умумий тараққиётини таъминлаш, товар ва хизматлар етишмовчилигини бартараф этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик катта ўрин тутди. Меҳнат ресурслари тез ўсаётган ва ишлаб чиқариш жойлашувидаги ўзига хослик шароитларида Ўзбекистонда кичик корхоналар тизимини вужудга келтириш қўйидаги имкониятларни яратади:

- эркин меҳнат ресурслари, янги хўжалик муносабатларининг жорий этилиши, янги мулкчилик шаклларининг пайдо бўлиши натижасида ишлаб чиқаришда бўшатиладиган шахсларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришга кўпроқ жалб этиш, мулкчиликнинг янги шакллари пайдо бўлиши;

- аҳолининг, биринчи навбатда, ёшларнинг моддий, маънавий ва касб даражасини кўтариш;

- аҳолининг суғурув ҳаракатчанлигини ҳисобга олган ҳолда саноат ишлаб яқаришини аҳоли яшайдиган жойларга яқинлаштириш ҳамда аҳолининг халқ истеъмоли молларига эҳтиёжларини тўлароқ қондириш;

- миллий ва бадий ҳунармандчиликни тиклаш, шунингдек кичик ва ўрта шаҳарлар, қишлоқ аҳоли пунктларини ривожлантиришга ёрдам кўрсатиш, умуман, ҳар бир минтақа учун ғоят муҳим иқтисодиёт самарадорлиги ошириш.

Иқтисодиётни ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижобий аҳамиятини эътироф этган ҳолда, унинг аҳамиятини ортиқча боҳолаб юбориш ҳам тўғри эмас. Хусусий тадбиркорлик фақат муайян доирадагина фаоллик кўрсата олади, шу сабабли кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш учун зарур шароитни яратиш зарур. Бунинг

учун бизнингча, молия жамғармаларини ташкил этиш керак. Бу жамғармалар тадбиркорлар тижорат банкларида имтиёзли кредитлар олиш учун кафил бўлишлари, субсидиялар, шу жумладан қайтариб берилмайдиган субсидияларга (иқтисодиётнинг алоҳида устувор соҳаларидаги корхоналарни ривожлантириш учун) манба бўлиб хизмат қилишлари лозим.

Ўзбекистонда кичик корпхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимининг такомиллаштириши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка хизмат кўрсатадиган банклар, фондилар, инвестициялар ва суғурта ташкилотлари фаолиятларини рағбатлантириш йўналишида олиб борилиши лозим. Хорижий мамлакатлардаги каби Ўзбекистон Республикасида ҳам агар корхона устувор давлат дастурида (янги техникани яратиш, узок худудларни ривожлантириш ва бошқалар) қатнашаётган бўлса, имтиёзли қарзлар олиш мумкин. Бундан фоизнинг энг кам меъёри ва қарздан узишда узок муддат берилиши қарз беришидаги асосий шартлар ҳисобланади.

Кичик корхоналар фаолиятини олдиндан кўриб бўлмайдиган хилма-хил хатарли вазиятлар катта таъсир кўрсатади, конъюнктуранинг кескин ўзгариб кетиши, мижозларнинг тўловига қодир бўлмай қолиши, табиий офатлар уларнинг танг аҳволига тушириб қўяди. Шу сабабли ривожланган мамлакатларда суғурталар тизими яхши йўлга қўйилган.

Мамлакатимизда ҳам суғурталар барпо этилиши зарур. Бу тизим кичик корхоналарни ривожлантиришда (айниқса, тижорат хатарлари катта бўлган соҳаларда) қулай шароитларни кафолатлаши, шахсий ёки қарз олинган капитал билан таваккал қилиб иш бошлаган тадбиркорларга ишонч ва зарур барқарорликни яратиши керак.

Иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш республикаимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохатларнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу эса иқтисодий рақобатнинг ривожланиши, истеъмол бозорини товар ва хизмат турлари билан тўлдириш, шунингдек хусусий тадбиркорларнинг кенг

қатламини яратишни тақоза этади. Буларни ҳисобига олиб, бугунги кунда республикада қуйидаги масалаларни ҳал этиш лозим:

-аҳолининг кенг табақаларини бозор фаолиятига олиб кириш, улардаги боқимандачилик, истеъмолчилик психологиясини бартараф этиш, аҳолида хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес фаолияти билан фаол шуғулланиш истагини уйғотиш;

-қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий муносабатларни тубдан янгилаш, деҳқон ва фермер хўжаликлар фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда улар сонини имкон қадар ошириш, ҳудудларда кичик корхоналар ташкил этиш йўли билан вақтинча ишсиз юрган кишиларни қўшимчаиш жойлари билан таъминлаш;

- минтақада бозор муносабатлари ва инфратузилмани жадаллаштириш, иқтисодий рақобатни ривожлантириш учун шарт- шароитлар яратиш;

-республика аҳолисининг ортиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга хизмат қилувчи ижтимоий ва иқтисодий шароитларни барпо этиш;

-кўрсатиладиган хизматлар турини ва миқёсини кескин ошириш, банк, аудиторлик, консалтинг ҳамда турли воситачилик фаолиятларини ҳозирги замон фан ва техникаси ютуқлари асосида юксак савияда ташкил этишни таъминлаш;

-корхоналарни бошқариш самарадорлигини ошириш, уларнинг иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлишларини таъминлаш учун шарт- шароитлар яратиш бериш;

-жойларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турлари ва ҳажмини бозор талабларига кўра осонлик билан мослаштира оладиган истеъмол бозорини товар билан тўлдириб, экспорт учун мол чиқара оладиган кичик корхоналарни жорий этиш.

Маълумки, республикада меҳнатга лаёқатли аҳолининг 65,3 фоизи қишлоқларда яшайди. Бу қишлоқ жойларда тадбиркорликнинг ривожли учун

жуда катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатади. Шу билан бир қаторда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда банд бўлган ортиқча ишчи кучларини хизмат кўрсатиш, қайта ишлаш ва шу каби йўналишларга қайта тақсимлаш керак. Қишлоқда тадбиркорлик, унинг кичик бизнес шакллари ривожлантириш билан боғлиқ турли бошқарув поғоналарида ташкилий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш устувор масалалар қаторига киради.

Бу мақсадларни амалга ошириш учун мамлакатимиз миқёсида қуйидаги масалаларини ҳал этиш лозим:

- бозор иқтисодиёти шароитида ишлаш учун рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

- хуудларда ҳақиқий тадбиркорлик муҳитини яратиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб – қувватлаш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий базасини мутаҳкамлаш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини технологик жихозлар билан таъминлашни қўллаб- қувватлаш;

- ислоҳатлар натижаларини реклама ва ахборат хизмати воситалари орқали кенг оммага етказиш.

Тадбиркорлик фаолияти ривожланишида солиқ ва савдо соҳаларидаги давлат сиёсати муҳим роль ўйнайди. Тадқиқотчиларнинг кўрсатишича шу соҳадаги чекловлар кичик бизнес ривожига кўпгина муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Сўров ўтказилган тадбиркорларнинг 758 фоизи молия-кредит тизимини такомиллаштириш, 52,5 фоиз солиқ ва 69 фоиз моддий-техника ресурслари билан савдо қилишни яхшилаш лозимлиги тўғрисида фикр билдирганлар. Шунинг учун ислоҳатларнинг ҳозирги босқичида бу соҳаларда тадбиркорликка тўсиқ бўлаётган омилларни таҳлил қилиш ва уларни бозор талаблари доирасида боҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

1.3 Хорижий давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тажрибалари ва унинг Ўзбекистонда қўлланиш имкониятлари.

Президент И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида” асрида батафсил туталиб ўтган иқтисодий ислохатларни чуқурлаштиришнинг муаммолари уртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлини ривожлантириш муаммоси алоҳида урин тутади. Янги иқтисодий муносабатларига ўтиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янги иқтисодий тизимда асосий ўринга эга эканлигини кўрсатади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси учун мос келадиган моделни танлаш мақсадида ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганишни талаб қилади.

Мамлакат иқтисодиётида кичик корхоналарнинг мавжудлиги унинг ҳаёт қобилиятини оширади, унга зарурий қайишқоқлик даражасини беради. Сўнги ўн йил ичида ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг миқдорий ўсишига мойиллик шу билан изоҳланади.

Буюк Британияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга қизиқиш 70 – чи йиллар бошларида кучайди. Бу даврда Э.Хит боўчилигидаги консерватив ҳукумат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги вазиятни ўрганиш ва мос тавсиялар ишлаб чиқиш учун Болтон комиссиясини шакллантирди (1971йил). Консерваторларнинг сўнги бошқаруви даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни соғломлаштириш учун максимал қулай шарт-шароитлар яратилди, 96 фоиз ходимлар сони 20 кишигача бўлган фирмаларни ташкил этган кичик корхоналар сектори бозор иқтисодиёти тузилмасига узвий кириб боради ва унинг зарурий шарт-шароитларга айланди. 1997 йил май ойида консерваторлар ўрнига келган лейбористлар ҳукумати кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни

шакллантириш ва сақлаш бўйича илгари қабул қилинган қонун ва дастурларни қўллаб – қувватлайди.

Буюк Британияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришда давлатнинг бюджет (солиқ ва кредит) сиёсати катта ўрин эгаллайди. Умумий чора – тадбирларга кичик корхоналарга нисбатан кичик солиқ ставкаларини белгилаш, ҳисоб- китоб счетларининг кечиктирилган тўлови, қушилган қиймат солиғини ҳисоблаш учун балансни фақатгина счетлар тўланганидан сўнг тузиш ва хоказолар киради.

Бюджет чора – тадбирларидан ташқари кичик корхоналарга маҳаллий мулк солиғи ўндирилганда имтиёзлар берилади, бу ликвидлик муаммосини қисман ҳал қилиш имконини беради.

Алоҳида вазирликлар (Савдо ва саноат, бандлик, экология, энергетика Вазирликлар)кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлашнинг 4 тоифасини ишлаб чиққанлар.

Янги ва фаолият юритаётган фирмаларга малахатлар бериш дастурлари. Бу мақсадларда ҳудудий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш билан шуғулланадиган кичик корхоналар хизмати, Уэльсин ривожлантириш агентлиги каби махсус ташкилотлар тузилган. Британия саноати конфедерацияси билан ҳамкорликда улар кичик корхоналарга турли саволлар бўйича маслаҳатлар бериш кўринишдаги ёрдам дастурини таклиф этдилар.

Молиявий – ёрдам кўрсатиш дастурлари. Улар қаторига қуйидагилар киради:

“Грантлар схемаси”ҳудудий миқёсда кичик корхоналарга молиявий ёрдам кўрсатадиган “Маҳаллий корхоналарга ёрдам бериш агентлиги”;Уз ишини бошлаш истагида бўлган ишсизларга ёрдам беришни кўзда тутадиган “Корхоналар тузушда кумаклашиш схемаси”; “Кредитларни кафолатлаш” – дастур уч йилга мулжалланган бўлиб, иши юришган ишбилармонлар номидан суғурта мукофатларини беришни кўзда тутеди. Махсус дастурлар

ёшларга ўз ишини тузиш ёки ривожлантиришда молиявий ёрдам беришни таъминлайди.

Шотландия, Уэльс, Шимолий Ирландияда амалда бўлган кичик корхоналарга ёрдам беришнинг ҳудудий дастурлари. “Бизнесни такомиллаштириш хизмати” дастури бўйича ҳудудларда бундай корхоналар учун бозор стратегиялари ишлаб чиқилди (ассигнацияларнинг 50 фоизи маркетинг тадқиқотларига, қолгани эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида малакали кадрлар тайёрлашга сарфланади).

Кичик корхоналарнинг экспорт фаолиятини рағбатлантирадиган дастурлар, асосан махсус орган Британиянинг денгиз орти савдоси бюроси томонидан амалга оширилади.

Ҳукумат ўз навбатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида “Тадбиркорлик ташаббуси” умумий номга эга бўлган бир қатор дастурларни ишлаб чиққан.

Италияда кичик корхоналар, янги ишлаб чиқариш шаклини жорий этиш ва бутун мамлакат бўйича самарали корхоналар тармоғини тузиш орқали саноат ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва кенгайтиришга катта ҳисса қўшган. Бошқа Европа мамлакатларига нисбатан, Италия тажрибасининг таҳлили шуни кўрсатадики, Италия кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қўшимча асосий элементи –бу тадбиркор ўзининг жалб этилиши, шунингдек уларнинг таваккал қилиш қобилияти ва бунга тайёрлиги ҳисобланади. Италия кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни – хусусий тадбиркорларнинг шахсий уринишлари натижаси бўлиб, у корхоналар жойлашган ва фаолият юритаётган ҳудудлар ва тадбиркорлик муҳити билан ўзаро муносабатлардан елиб чиқадиган тадбиркорлик ғоялари ва лойиҳаларига асосланади. Италия кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг саноат ривожланишидаги роли жуда муҳим, чунки уларни иш жойларни яратишдаги ҳиссаси йирик корхоналардагига нисбатан анча юқори. Мутахассисларнинг айтишича, Италия кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорликни янги иш ўринларини яратиш бўйича идеал инструмент ҳисобланади. Бошқа тарафдан, Италия иқтисодий тизими – ҳақиқий кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тизими, беб айтиш тўғри бўлади, чунки: 10 та корхонадан 9 тасида ходимлар сони 200 кишидан ошмайди, 10 кишидан 7 таси эса кичик корхоналарда ишлайди. Италия ташқи савдо баланси ташқи савдога қаратилган секторларда, айниқса мебель, уй дизайни, озиқ овқат саноатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ролини биринчи ўринга қўяди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга асосланган иқтисодий тизим туфайли Италия актив тижорат сальдосига эгадир. Италиянинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик саноати корхоналари маҳаллий даражада фаолият юритади, лекин уларнинг фаолияти халқаро бозорларга йўналтирилган бўлади. Италиянинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг ривожлантириш бўйича тажрибаси шундан далолат берадики, уларнинг қўплаб ҳамкасиблари хорижда ҳам самарали фаолият юритади. Сўнгги ўн йил ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жаҳон миқёсида Италия иқтисодининг асосий элементига айланди: хорижда фаолият юритаётган 160,000 кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари экспортнинг тахминан 4/5 қисмини ва хорижий ташкилотларга (асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига) капитал қўйилмаларнинг ярмидан кўпини ташкил қилади. Бу ташкилотларнинг кўпчилиги “италияда ишлаб чиқарилган” тамғаси остида хорижда хорижда ишлаб чиқаришни ташкил этиш қобилиятига эга бўлади ва айрим ҳолларда дунё етакчиларига айланади. Албатта, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида Италия тажрибаси энг муваффақиятли тажрибалардан бири ҳисобланади. Буни хорижий давлатлардан келаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида икки томонлама келишувларни имзолар таклифлари сонининг ошишидан кўриш мумкин. Яқинда Италия саноати Вазирлиги Россия, Зимбабве, Польша, Вьетнам, Венгрия, Корея билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида

халқаро битимларни имзолади. Ушбу давлатларнинг қизиқиши Италиянинг ушбу соҳадаги тажрибасидан далолат беради.

Германияда кичик корхоналар, одатда жисмоний шахсларнинг хусусий мулки ҳисобланади ва ўз – узини молиялаштиришга қўшимча равишда банк кредитларидан фойдаланадилар. Акциялари биржада талабга эга бўлган корхоналар сони жуда оз Хорижий инвесторлар одатда йирик корхоналар акцияларнинг эгалари бўлиб ҳисобланадилар, уларнинг сармоядаги улуши тахминан 12 фоизни ташкил этади. Германия банклари корхоналар билан нафақат кредиторлар сифатида, балки хиссадорлар сифатида ҳам боғлиқ уларнинг корхоналар сармоясидаги улуши уртача 14 фоизни ташкил этади бу кўриб чиқиладиган мамлакатлар уртасида энг юқори кўрсаткич.

Францияда хусусий ва давлат ташкилотлари раҳбарлари, қоида бўйича, бошқа ташкилот маъмурий кенгаш (бошқарув) аъзолари ҳисобланади. Бу ерда давлат ва хусусий сектор уртасидаги алоқалар кучли ҳисобланади. Хусусийлаштиришнинг “иккинчи тулқини” асосан бошқа корхоналар қулида мужассамланган акциялар бозорининг кенгайишига кумаклашади: сармоядаги уларнинг улуши 59 фоизни ташкил этади, бу бошқа мамлакатларга нисбатан анча юқори. Ташқи инвесторлар томонидан корхоналар устидан назорат урнатиш бўйича операциялар кам учрайди. Франция корхоналари акцияларининг катта қисми бошқа корхоналар қулида бўлганлиги уларга ташқи молиялаштиришнинг иккита асосий манбаи банклар ва молия бозорида операциялар уртасида эркин танлаш имконини беради. Охирги йилларда Франция корхоналарининг банклар билан алоқалари суғлашиши кўзатишмоқда. Италияда корхоналарда мулкдорликни ва назоратни ташкил этиш Франциядагига ухшаш саноатда куплаб оилавий кичик корхоналари ва йирик хиссадорлик корхоналари мавжуд бўлиб, уларнинг сармоясида давлат улуши тахминан 28 фоизни ташкил этди. Охирги йилларда Италияда Франция мисоли бўйича давлат ташкилотлари хусусийлаштирилмоқда. Италия корхоналари бир нечта банк хизматларидан

фойдаланиши корхоналар ва банклар уртасидаги мутахкам ва узоқ мудатли алоқаларни яратмайди. Аммо охирги пайтларда руй бераётган ўзгаришлар, шу жумладан универсал банклар моделига ўтиш ва олинган қазларнинг саноат гурухлари бош корхоналари даражасида консолидацияси банклар ва корхоналар уртасида узоқ муддатли алоқаларнинг мустаҳкамланишига ва банклар томонидан корхоналарни банк томонидан кредитлашга асосланган ташқи молиялаштириш модели шаклланиши мумкин.

Америка Қушма Штатларининг замонавий кичик кичик бизнес сиёсати бошланиши 1953 йилда кичик бизнес Агентлигининг вужудга келишига туғри келади. Кичик бизнесга кумаклашишнинг асосий сабаби иқтисодий фойда олиш ҳисобланарди. Кичик бизнесга кумаклашишнинг асосий воситаси сармоя ва кредит бериш ҳисобланади, бу эса ўз навбатида АҚШ да тадбиркорлик сиёсати мақсадларига мос келади. Японияда кичик бизнес сиёсати саноатнинг ривожлантириш сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланган. Ушбу сиёсат урушгача бўлган даврдан бошланиб, ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда. Япония рақобатбардошликни ошириш мақсадида доимий реструктуризацияни таъминлайди. Чпония ва АҚШ кичик сиёсатда иккита асосий фарқ мавжуд. Улардан бири сиёсатни шакллантирадиган ва сиёсатнинг ўзига хос ривожлантиришнинг қўллаб – қувватлайдиган тарихий вужудга келиши ва ижтимоий – иқтисодий қимматликлар билан асосланади. Иккинчиси – сиёсий ва бюракратик тизимлардаги фарқлар бўлиб, улар сиёсатни шакллантиришга таъсир кўрсатади.

Хорижий нашрлар маълумотлари бўйича, ўтиш давридаги мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб- қувватлаш бўйича хусусий ташкилотлар вужудга келади. Лекин уларга айрим пайтларда бозор шароитида фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган функционал куникмалар етишмайди. Бу билан биргаликда тажрибанинг кўрсатишича, бундай ташкилотлар кичик корхоналар вакиллари томонидан тузулганлиги ва ўз

аъзоларининг эҳтиёжларни яхши биладиган менежерлар томонидан бошқариладиган сабабли самарали ҳисобланади. Сунгги йилларда Венгрия, Польша, чехия, Словакия корхоналари ва ташкилотларининг утказилган тадқиқотлари кўрсатадики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари учун солиқлар, қонун ва банк иши бўйича маслаҳатлар жуда зарур.

Дунёда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш агентликларининг кенг тармоғи мавжуддир. Бу тармоқ TECNONET маслаҳат дастурини ўз ичига олиб, бу дастур 1972 йилда Сингапурда Ривожланиш бўйича тодқиқтлар халқаро маркази сифатида фаолият кўрсата бошлади. У Шарқий Осиёнинг 12 та мамлакатини боғлаб, техник ёрдам кўрсатади(шу жумладан маслаҳатлар бериш).

Я понияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш учун маркетинг маълумотларини йиғишни ДЖЕТРО ахборат тизими амалга ошириб, у бир қатор омилларни ўрганади:

1. Жуғрофий жойлашиши, бозорда фаолият юритиш имкониятига, юк ташиш қиймати;
2. Бозор ҳажми, истеъмолчилар даражаси, маҳаллий ишлаб чиқариш;
3. Бозорп рентабеллги, транспорт харажатларини ҳисобга олган ҳолда нархлар даражаси;
4. Сотишнинг энг афзал шакллари ва усуллари;
5. Товарнинг керакли хусусиялари ва хоказо;

ДЖЕТРО дунёнинг барча мамлактларида турли хил массасаларнинг ривожланган тармоғига эга ва шунинг учун халқаро бозорда тадбиркорлар учун асосий маълумотлар манбаидан бири ҳисобланади, ДЖЕТРО маълумотлар базаси кўп сонли маълумотларга, шу жумладан хорижий экспортерлар ва импортерларнинг кенг рўйхатга эга ДЖЕТРО Япония ҳудудида 31 та ва чет элда 28 та ахборот марказларига эга.

Япония бозорида маълумот олишни шунингдек япония савдо –саноат палатасидаги аъзолик ҳам йўл қуяди. Бундан ташқари, тадбиркорликка бозорда ҳаракат қилишга ёрдам берадиган куплаб маълумотномалар, қўлланмалар, журналлар мавжуд.

SEBRAE маълумотлар тармоғи ҳозирги вақтда Бразилиянинг барча 26 штатида ва федерал пойтахтда 100 га яқин офислари мавжуд. У барча саноат тармоқлари вакилларида иборат ижтимоий бошқарув томонидан бошқарилади ҳар бир ўтатда стандартлаштирилган “маълумот улчагичлари” тармоғи мавжуд. Уларнинг ҳар бири ҳар куни 500 дан ортиқ аризалар қабул қилади. Ҳар бир телефон қўнғироғи тулиқ жавоб, маслаҳат берилади, компьютер бўйича зарурий маълумот берилади.

Суннг ўн йил ичида РИО-де Жанейродаги марказ 12 мингга яқин янги компания ва 50 мингга чнги иш жойи ташкил этишга кумаклашади.

Марказ ривожланишнинг самарадорлигини қуйидаги омиллар таъминлайди:

1. Саноат, тижорат ва хизмат кўрсатувчи корхоналар иш ақи солиғининг 0,3 фоизи махсус тузилган тизим орқали маълумот олишга йўналтирилади;

2. кичик корхоналар марказ кўрсатган хизматлар учун туловларни вақтга нисбатан амалга оширади (технологик маслаҳат беришнинг бирчи икки сатида мижоз хизмат нархининг 0 фоизини, унинг давомийлиги 3 дан 10 соатгача бўлганда 40-оиз, 11соатдан 20 соатгача бўлганда – 80 фоизни тўлайди);

3. Маҳаллий ташкилотлар тармоғи;

4. Фаоллик ва ташаббускорлик.

Тизимни молиялаштиришнинг барқарор усиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш агентликларида кам учрайдиган динамикадан далолат беради.

Бразилияда ҳаммаси бўлиб 5 миллион кичик корхоналар фаолият юритади. Утказилган тадқиқотлар натижасида таҳлил қилинган

корхоналарнинг 80 фоизидан ортиғи тренинг, маркетинг ва ахборот тизимларидан фойдаланиши аниқланди.

Бўндай ахборот тизимлари тузилмаси ўтиш давридаги мамлактларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам қулланилиши мумкин.

Масалан, ўтиш давридаги иқтиодиётга эга бўлган мамлакатларнинг купчилик тадбиркорлири учун ҳамкорнинг ишончлилигини бохолаш энг долзарб ҳисобланади, у қуйидагиларнинг ўз ичига олади:

- 1.Хамкорнинг манзил маълумотлари ва шахсини текшириш;
2. Корхона ёшишини аниқлаш, ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичлари;
3. Корхонанинг низоларда, суд ишларида қатнашганлигини, шунингдек жарималар,гарови ва бошқа қарз мажбуриятлари туғрисидаги маълумотларни текшириш;
4. Корхона тулов қобилятиниўрганиш.

Бундай таҳлилни кредит маълумотини беришга ихтисослашган деярли ҳамма корхоналар утказди. Dun and Bruciestreet кансалтинг кампаниясининг маълумотларни йиғиш, ишлаш, тақдим этиш технологияси ноу-хау ҳисобланади ва БМТ томонидан халқаро стандартлар сифатида тавсия этилади. Хозирги вақтда хорижий хамкор туғрисида маълумот олиш МДХ даги ҳамкорлар туғрисида умумий маълумот олишга нисбатан осонроқдир. Аммо тадбиркорликнинг оммавий ривожланиши шароитида доимо замонавий ахборат тизимларидан фойдаланган ҳолда экспресс – диагностикани утказиб туриш лозим.

Тадбиркорларга интернет тизими ва Гипертекст, Мультимедиа ва Worlt Wide Web каби компьютерлашган ахбороттармоқлари, шунингдек бутун дунё бўйича энг муҳим маълумотларни йиғиш учун электрон почтадан фойдаланиш имкониятларини оширадиган Осиё – Европа (Хитой - Германия) алоқа тармоғи катта курсатаябди.

Деярли барча ривожланган мамлакатлар тажрибаси курсатишича, кичик бизнес йирик бизнес патронажи остида самарадорлик даражасини,

технологик тараққиёт суръатларини белгилайди. Кичик бизнес роли эса йирик бизнеснинг ривожланиш даражасига боғлиқ булса ҳам, махсус ва аҳамиятли ҳисобланади.

Кичик корхоналар бошқарувида бир қатор афзалликларига эга алоқалар соддалиги, қатъий тартибнинг йўқлиги, мақсадларни тезкор туғрилаш имконияти. Шунинг учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматлар сифати юқори бўлганда, кичик бизнесдаги маҳсулот таннархи йирик корхоналардагига нисбатан анча пастдир.

Саноатнинг алоҳида тармоқларида, авволем бор, кул меҳнати ва қуйи технологиялар кенг қулланилаётган тармоқларда кичик корхоналар учун ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва фойда олиш жараёнлари осонроқ кечади. Кичик корхоналар ривожланаётган иқтисодиётнинг заиф жойларида боғловчи буғин вазифасини утайди (айниқса юқори технологиялар кенг тарқалиши шароитида)

Тадбиркорлик субъектлари турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги “Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида”ги №439- сонли қарори билан белгиланган эди. Ушбу қарорга кўра микрофирмалар мулкчилик шаклидан қатъий назар, ишлаб чиқариш соҳасида йилига ўрта ҳисобда 20 нафаргача, хизмат кўрсатиш соҳасида 10 нафаргача, савдо соҳасида 5 нафаргача, кичик корхоналар эса мулкчилик шаклидан қатъий назар, ишлаб чиқариш соҳасида йилига ўрта ҳисобда фаолият йўналишига кўра 50-100 кишигача, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида 20-25 нафаргача иш билан банд ходимга эга бўлган юридик шахслар тушунилади. Мазкур қарор кичик корхоналарни аниқлаш мезони сифатида халқаро амалиёда кенг қўлланилаётган рўйхатдаги ходимлар сони кўрсаткични ягона ва белгиловчи мезон сифатида ажратиб берди.

II-БОБ. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲОЛАТИ ВА УЛАРНИНГ ОҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАМИНЛАШ БОРАСИДА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.

2.1. Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланиш босқичлари.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркор учун истеъмолчининг манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилишдан бошқа истеъмолчига таъсир қилишнинг йўли йўқдир. Аммо бу тадбиркор истеъмолчининг манфаатларига ўзи истеъмолчининг талабини шакллантириши, янги истеъмол эҳтиёжларини яратиши (агар харидор учун зарур бўлган янги товар яратилса) мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик фаолиятни ташкил этишнинг икки усулини келтириш мумкин:

- истеъмолчи манфаатини аниқлаш усули;
- истеъмолчига янги товар ёки хизматларни “мажбуран қабул қилдириш” усули.

Шундай қилиб, тадбиркорнинг асосий мақсади ўз истеъмолчиларига эга бўлиш йўлида товарга эҳтиёжни аниқлашдан иборатдир. Тадбиркор ўз истеъмолчиларни шакллантиришда қуйидаги асосий омилларни ҳисобга олиши керак:

- товарнинг янгилиги ва унинг харидор манфаатига мос келиш;
- товар ёки хизматларнинг сифати;
- товарнинг универсаллик даражаси;
- товарнинг ташқи кўриниши, унинг харидор талабига мослиги;
- сотувдан кейинги сервис хизматларидан фойдаланиш имконияти;
- товарнинг қабул қилинган умумий ёки давлат стандартларига мослиги;
- товарлар ва хизматлар рекламасининг жозибалилиги, харидор диққатини ўзига жалб этиш ва ҳоказо.

Хулоса шундан иборатки, агар ижтимоий ишлаб чиқариш нуктаи назаридан тадбиркор фаол субъект ролида бўлса, унда тадбиркорлик жараёнинг ўзи, унинг самарадорлиги ва мазмуни нуктаи назардан истеъмолчи фаол роль ўйнайди ва тадбиркор бу омилни инкор эта олмайди .

Тадбиркорнинг шахсий хусусиятлари, қобилиятлари, имкониятлари ва ишга доир сифатлари тадбиркорликнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлади. Тадбиркорнинг ишга доир сифатлари қуйидаги тамойилларга асосланиши керак:

- биринчидан, бозорнинг товар ва хизматлар билан таъминланиш даражасини таҳли қилиш йўли билан иқтисодий хўжалик тизимида ўз ўрнини топиш;

- иккинчидан, шахсий ишлаб чиқариш тузилмасини яратишга тайёрлик қобилияти;

- учунчидан, маркетинг тадқиқотлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда, дастлабки тадбиркорлик ҳисоб – китобларини амлга ошириши;

- туртинчидан, тадбиркорлик лойиҳасини амлга оширишда раҳбарликни тўғри йўлга қуйиш қобилияти;

- бешинчидан, янги техник, технологик ғояни биринчи бўлиб ҳаётга татбиқ этиш ҳамда ушбу ғоядан амалда фойдаланиш, ундан қандай яқиний натижа, маҳсулот ёки хизматлар олиш мумкинлигини тасаввур эта олиши.

Тадбиркорнинг ушбу ишбилармонлик тамойиллари унинг ижодкорлигига асосланади. Айнан ана шу ижодкорлик Й. Шумпетер фикрига асосан, тадбиркор бошқалар эътибор бермаган ва билмаган ишларга эътибор бериб, фаолият юритиш имконини беради.

Ижодкорлик тадбиркорни таърифлашда асосий мезон бўлади, аммо у турли шаклларда намоён бўлиши мумкин. Тадбиркор бошқа ижодкор кишилар томонидан амалга оширилган кашфиётлар, топилмалардан қандай самарали фойдаланиш мумкинлигини билади. Шу билан бирга, у бу

янгиликлардан харидорнинг қизиқишини уйғотувчи янги, ажойиб нарса ишлаб чиқариш соҳасида фойдаланиш йўллари топа олади.

Аммо кашфиёт ва янгилик фақат товар турининг янги таркибий қисмини яратиш эмас, балки товар ишлаб чиқаришни янгилаш жараёнига жалб этишни талаб қилмайдиган оддийроқ шаклларда ҳам намоён бўлади. Масалан, у товар ўрамининг янгиланиши, анъанавий товарга янги хусусият ва сифатлар бериш кўринишида намоён бўлиши мумкин.

Тадбиркорлар фаолиятнинг бошқа томонларида ҳам кашфиётчилик элементларини қўллаши мумкин. Маслан, у ишлаб яқаришнинг, маҳсулотни сотишни бошқаришнинг янги шакллари топади, шериклик муносабатларини ўрнатади, ишлаб чиқаришнинг янги технологияларидан фойдаланилади. Тадбиркорнинг яна бир муҳим хусусияти ишлаб чиқариш жараёнида янги ғояларнинг амалга оширилиши бозорда қандай қабул қилинишини олдиндан кўра билиш қобилиятида намоён бўлади. Шу жиҳатдан янгиликни бозорда татбиқ этиш ва истеъмолчининг жавобини битта жаранёнга бирлаштира олиш тадбиркор муваффақиятининг гаровидир.

Кўпгина тадқиқотчилар жамиятда тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сони кўпайиб бораётганлигини таъкидлайдилар. Маълумотларга кўра, мустақил фаолият юритувчи аҳолининг 8-10% қисми тадбиркорлик билан шуғулланиши мумкин. Тадбиркорлик ҳар қандай бошқа касб каби ишбилармонлик сифатларини талаб этади.

Тадбиркор кишидан, аввало, ўзига ва ўз қобилиятига ишониш талаб этилади. Ўзига, ўз ишига ишонмайдиган инсон нафақат тадбиркорлик, балки ҳар қандай соҳада ҳам ишни охиригача етказишга қодир эмас.

Тадбиркорнинг муваффақиятини белгиловчи кейинги шарт агрессивликдир. Бундан гап, биринчидан, тадбиркорга нимададир биринчиликка эга бўлиш ишончини берувчи, иккинчидан, тадбиркорнинг аниқ мақадга қаратилган ҳаракатларни бажаришда ташаббусни тартиб

олишга ҳаракат қилувчи агрессивлик амалда ғоялар, лойиҳа ва ташаббусни тортиб олиш ва уни тез амалга оширишни билдиради. Бўндай агрессивлик атрибдогиларга (ҳаммадан олдин рақибларга) тўғридан тўғри зарар келтирмайди, у бевосита зарар келтириши мумкин (агар бирор қандайдир товарни ишлаб чиқара олмайди, демак, товар ишлаб чиқариш бўйича ташаббуснинг ҳаркати биринчи бўлиб бошлаган тадбиркорнинг ҳаракати у мўлжаллаган даромадни олишга имкон бермайди).

Тадбиркор кўпгина ҳолларда ўз жаомаси билан ҳаракат қилади, шунинг учун тадбиркорлик ғоясини амалга ошириш жараёнига самарали таъсир этувчи жамаони яратгандагина, муваффақиятга эришади. Шу муноабат билан тадбиркорнинг олдида мураккаб муаммолар туради. Булар бизнеснинг муваффақияти учун қандай ихтисосдаги мутахассислар кераклиги, улар қандай сифатларга эга бўлишлари зарурлиги, уларнинг тадбиркор шакллантираётган руҳий муҳитга қира олишлари мумкинлигини аниқлаш муаммоларидир.

Ҳар қандай фаолиятдан кутиладиган самара инсонга, аввола унинг меҳнат маданияти даражасига боғлиқдир . Масалан, японлар “ иқтисодий мўъжизалари” асосида нафақт илм фан –техника ва технология ютуқлари, балки меҳнат маданиятининг ўзгариши ётганлигини таъкидлайдилар. Япония экспертларининг фикрига кўра, бунинг учун япон жамиятига 30 йил керак бўлган.

Меҳнат маданияти деганда ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражаси, меҳнатнинг янги, самаралироқ усуллари кўллаш, ҳамкасблар ва қўл остидагилар билан муомалада самимийлик, янги ғоялар, технологияларни излаш, мулкка ва ишлаб чиқариш муносабатларига эҳтиёткорана ёндашиш тўшинилади.

Корхона фаолиятини бошқаришда тўғри қарор қабул қилиш тадбиркорнинг энг муҳим сифатларидандир. Бошқача қилиб айтганда, бу тадбиркорнинг ўз фаолияти, ўз бизнеси соҳасида жовобгарликни ўз

зиммасига олишидир. Ҳақиқатдан ҳам тадбиркор, қарор қабул қилиб, уни амалга оширишда нафақат ўз шериклари олдида, балки ўзини муаммоларини кўра билиш ва уларни бартараф этиш учун ҳам тадбиркорга хос муҳим сифатдир.

Тадбиркорлик ниятини амалга ошириш белгиланган даражада тадбиркорнинг мотивлашуви(манфаатдор бўлиши)га боғлиқ. Тадбиркорлик назариясининг асосчиси Й. Шумпетер учта асосий мотивни ажратган:

- биринчидан, ҳокимлик қилиш, ҳукимронлик, таъсир қилишга эҳтиёж;
- иккинчидан, аниқ ҳаракатларни бажариш орқали эришиш эҳтимоли бўлган ғалабага ирода, муваффақият сари ҳаракат;
- учунчидан, мустақил иш фаолияти берувчи ижодкорлик қувончи.

Аммо, Й. Шумпетер тамонидан таклиф этилган мотивлаштириш назарияси ғарбий мамлакатлар тадбиркорларининг фикрлаш услубини акс эттиради. Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти бир қатор ўзига хос аломат ва хусусиятлар билан бўлади. Мамлакатимизда тадбиркорликни мотивлаштириш хусусиятлари қуйидаги аломатларга эга:

- ўз салоҳиятини амалга оширишга ҳаракат қилиш;
- энг муҳим, ижтимоий ва иқтисодий самара келтирувчи ғояларни амалга ошириш истаги;
- тўрачилик тузилмалари билан боғлиқликдан қочиш, ҳаракатлар эркинлиги ва фаолият юритиш жараёнида мустақил бўлиш;
- қизиқарли иш билан мустақил ва эркин шуғулланиш;
- ўзининг ижтимоий мақоми ва обрўсини оширишга интилиш ҳамда ўзига ва яқинларига муносиб турмуш шароитларини таъминлаш.

Кўрсатиб ўтилган истакларни муваффақиятли амалга ошириш учун тадбиркор бир қатор изчил ҳаракатларни амалга ошириши керак. Бу ҳаракатлар танлаб олинган ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш шаклларига боғлиқ. Шу муносабат билан тадбиркор ўз фаолиятини ташкил этишнинг қуйидаги икки таркибий қисмини таҳлил қилиши керак:

- бозор ва унда вужудга келадиган вазият;
- ишлаб чиқариш тузилмаси.

Иш муҳитини таҳлил қилишда тадбиркор бу қисмлар ўртасида ўзаро алоқалар ўрнатишнинг самарали усулин топиши керак. Аммо, бунга эришиш кийин, сунки биринчидан, иккала таркибий қисмнинг сифати турлича бозор динамик ўзгарувчан механизмдан иборат.

Унга доимо кузатиладиган талаб, таклиф, нарх, рақобат шароитларининг ўзгариши хосдир. Шу билан бир вақтда ишлаб чиқариш тузилмаси консерватив, кам ўзгарувчан. Ишлаб чиқариш дастурлари кундалик ўзгаришларини ўзида тутмайди. Иккинчидан, бозор ва ишлаб чиқариш фазо ва вақтга бўлинган. Фазовий бўлинишга кўра, бозордаги ўзгаришлар ишлаб чиқариш тузилмасидаги худди шундай ўзгаришларни кўзда тутмайди. Иккинчидан, бозор ва ишлаб чиқариш фазо ва вақтга бўлинган. Фазовий бўлинишга кўра, бозордаги ўзгаришлар ишлаб чиқариш тузилмасидаги худди шундай ўзгаришларни келтириб чиқара олмайди.

Бу ҳолат вақт бўйича бўлиниш билан ҳам чуқурлашади, тадбиркор ишлаб чиқариш дастурини шакллантиради ва уни, бозордаги вазият ҳақидаги ахборотлар билан асослайди. Аммо дастурни бажариш маълум бир вақтни талаб этади, шу вақт ичида бозорда жиддий ўзгаришлар рўй бериши мумкин. Бунинг натижасида ишлаб чиқарилган товар ёки хизматлар бозорда керак бўлмай қолиши мумкин. Шунинг учун тадбиркор муҳим қарорларни қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи маркетинг тадқиқотлари бозорда вазиятнинг ривожланиш башоратига асосланиши керак.

Қарор қабул қилиш, масъулиятни зиммасига олиш каби вазифалар тадбиркорликни бошқариш фаолияти билан боғлайди. Шунинг учун ҳам тадбиркорликни менежердан ажратиш зарур. Буларнинг ҳар бири ўзига хос вазифаларни бажаради. Бир томондан тадбиркорлик фаолиятининг мазмуни бошқариш фаолиятидан кенгроқ бўлса, бошқа томондан ҳар бир ишбилармон ҳам менежмент вазифаларини бажара олмайди. Менежмент асосларига

бағишланган китобда бу ҳақида яхши фикр билдирилган: “Шахсий таваккалчилик, молиявий имкониятга эга бўлган муносабат, тинимсиз меҳнат қилиш каби хусусиятларга эга тадбиркор йириклашиб бораётган корхонани бошқара олади, деган гап эмас”.

Менежернинг “шаклланмаган тузилмани шакллантириш қобилияти иши юришиб кетаётган ишбилармонга доимий хос бўлавермайди. Шу сабабли йирик корхоналар раҳбарияти таркибига менежерлар келмоқда.

Бугунги шароитда “тадбиркор” тушунчаси “менежер” тушунчасига жуда яқин туради. Шу билан бирга, тадбиркор мулкдор бўлса, менежер бошқарувчидир. Амаалда эса ўзлари бошқариб турган ишлаб чиқариш корхоналарига эга бўлиб қолмоқда.

“Тадбиркорлик” тушунчаси тадбиркорнинг энциклопедик луғатида куйидагича таърифланади:

Тадбиркорлик Шухсий даромад, фойда олишга қаратилган фуқораларнинг мустақил фаолияти. Бу фаолият ўз номидан, ўз мулкый масъулияти ва юридик шахснинг юридик масъулияти эвазига амалга оширилади. Тадбиркор қонун томонидан таъқиқланмаган барча хўжалик фаолияти, шу жумладан, воситачилик, сотиш, сотиб олиш, маслаҳат бериш, қимматбоҳо қоғозлар билан иш олиб бориш билан шуғулланиши мумкин.

Тадбиркорлик шахсий ва ижтимоий фойдаларни кўзлаган ҳолда даромад олиш учун сарфланаётган маблағ билан боғлиқ фаолиятдир.

Тадбиркорликка берилган ушбу таъриф батафсиллиги билан ажралиб туради. Бу таърифда тадбиркорлик фақат маълум фаолият билан шуғулланиш эмас, балки бевосита фаолият юритишдан иборатлиги таъкидланган. Тадбиркорликка берилган қатор таърифларда энг муғим ҳолат, яъни шахсий даромад билан ижтимоий фойданинг яхлитлик хусусияти кўрсатилмаган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тадбиркорликнинг муҳим хусусиятларига куйидагилар киради:

- хўжалик фаолияти олиб бораётган субъектларнинг мустақиллиги ва эркинлиги. Ҳуқуқий меъёрлар чегарасида ҳар бир тадбиркор у ёки бу масала юзасидан мустақил қарор қабул қилиши мумкин;

- иқтисодий манфаатдорлик. Тадбиркорликнинг асосий мақсади максимал даражада даромод олишни кўзлаб, жамият тараққиётига ҳам ўз ҳиссасини қўшишдир;

- хўжалик таваккалчилиги ва масъулият. Ҳар қандай – китобда ҳам ноаниқлик ва таваккалчилик бўлиши мумкин.

2.2.Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳолини иш билан бандлигини таъминлашдаги роли ва ўрни.

Мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, ҳаракатини ривожлантириш, хусусий секторнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотига улушини оширишга қаратилган тизимли ва тадрижий чора-тадбирлар изчил олиб борилмоқда. Чунончи, хусусий секторнинг эркин ва мустақил ривожланишини таъминлайдиган зарур ҳуқуқий асослари яратилди ва улар фаол такомиллаштирилиб борилмоқда.

Буларнинг барчаси юртимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва янги босқичга олиб чиқишда зарур бўлган сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий шароит шакллангани ифодасидир.

Албатта, эришилган ютуқ ва натижалар кўламини янада кенгайтириш. Соҳадаги янги ҳуқуқий муносабатларни жорий эттишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида илгари сурган “Мамлакатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқоролик жамиятини ривожлантириш концепсияси” да ҳам бўғунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди, деб

алоҳида қайд этилди. Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганидек, юртимзда бизнесни ташкил қилишнинг мазкур шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятнинг мавуд ҳолатига тўла мос келади. Бундай бизнеснинг ташкил қилишнинг қонунчилик базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кўчайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ҳамда янги иш ўринларининг очилишига шароит тўғилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов миллий қишлоқ хўжалигимиз тараққиётининг кўп минг йиллик тараққиёт йўли меҳнат менталитетига асосланиб, оилавий тадбиркорлик, хусусан оилавий фермерлик ҳаракатини устувор ривожлантириш масласини кун тартибига қўйди. Бу асло бежиз эмас. Зеро, Президентимиз зининг “Юксак маънавият – йингилмас куч” номли машҳур асарида ринли таъкидлаганидек: “Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва ксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсир беқиёсдир. Чунки инсоннинг нг соф ва покиза тўйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила барида шаклланади” Бу кўп қиррали жараёнда оилавий меҳнат анъаналари алоҳида аҳамият касб этади. Оилавий меҳнат анъаналари ҳар бир фарзанднинг меҳнат ҳақидаги дастлаки тасаввурлари, касбга бўлган қизиқиш ва интилиши, замонавий илимларни ўрганишга бўлган ҳаракатини белгиланишида тарбия чоғи бўлиб хизмат қилади. Милатимизда азал – азалдан оилавий деҳқончилик ва чорвачилик меҳнат маданиятининг янада барқарор ўсиши ва ривожланиши учун барча зарурий ҳуқуқий, сиёсий, моддий ва маънавий шарт – шароитлар яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди”. Президентимиз томонидан таъкидлаб ўтилган бу муҳим хулоса меҳнатни ташкил этиш ва бошқаришда тарих

синовлардан жуда кўп бор ўтган ва самарали ҳисобланган оилавий меҳнат жамоаларини ичида энг кўп тарқалган хўжалик юритиш усули ҳисобланади. Шу маънода “Мамлакатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқоралик жамиятини ривожлантириш Концепсияси”да кўрсатиб ўтилган оилавий тадбиркорликнинг қонуначилик базасини яратиш тўғрисидаги таклиф жуда катта аҳамият касб этади.³

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг асосий бўлган хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлайдиган барқарор қонунчилик базаси яратилганини қайд этиш зарур. Ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва оҳоли даромодларини оширишни муҳим омилларидан бири бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилди.

Натижада сўнгги ўн йилда ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларнинг улуши 31,1 фоиздан 54 фоизга ўсди. Ушбу соҳада бандлик даражси иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳолининг умумий сонини 49,7 фоиздан 74,5 фоизгача ошди. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурига мувофиқ 2011 йилда тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожлантириш учун янада қулай бизнес – муҳитни яратиш бўйича комплекс чора – тадбирлар қабул қилинди ва амалга оширилди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, иқтисодий ўсишнинг бош омилларидан бири бўлган тадбиркорликни янада жонлантириш ва бу билан болиқ бўлган крсаткичларни талил қилиш иқтисодиётни ривжлантиради. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнингш фаоллик дарааси кўрсаткичлари ўрганилади далиллардан маълум бўлдики Самарқанд вилояти ва унинг туманларидан фаоллик даражаси йилдан йилга кучайтирилиб борилиши натижасида ижобий ҳолатга эришилмоқда. Умуман доимий

³ И.А.Каримов. Юксак маънавият-йингилмас куч Т.: “Манавият” 2008.

ҳаракатдаги корхоналар сони камайиб бориши яхши, ҳолат эмас. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаоллик даражасини ошириб бориш кўрсаткичларини ҳар томонлама таҳлил ўтказиш уларнинг фаолият самарасини ошириб боради. Самарқанд вилоятда рўйхатга олинган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлар сони 1.01.2010 йил 14306 та 1.01.2011 14575 тани ташкил этган бу кўрсаткич 1.01.2010 йилга нисбатан 1.01.2011 йилда 1,0 баробарга ошган. Шундан фаолиятини тугатганлар сони 1.01.2010 йил 1616 та 1.01.2011 йилда 542 тани ташкил этган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларнинг тугатилишига уларда ихтисослашган бошқарув тузилмасининг мавжуд эмаслиги, асосий ресурслар тақчиллиги шароитида амал қилиш ва бозор конъюктурасига мослаша олмаслиги сабаб бўлмоқда. Буни икки томондан қараш мумкин. Биринчидан, моддий ва молиявий ресурслар иккинчидан, меҳнат ресурслари. Агросаноат мажмуида биринчи турдаги ресурслар етишмаган ҳолда иккинчи турдаги ресурс ортиқча ва арзон. Бу ҳолат ишлаб чиқаришда номуносибликка олиб келади.

Меҳнат ресурсларининг ортиқчалиги янги имкониятлар бериш билан бирга ижтимоий муаммолар келтириб чиқаради, уларнинг арзонлиги эса меҳнат бозорида рақобатни сусайтиради ва иш берувчилар кўпроқ қул меҳнатидан фойдаланишга уринади. Натижада кичик корхоналарда фан техника ютуқларидан фойдаланишга кечиктириди.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, вилоятда иқтисодиётнинг стратегик ривожланишини белгилашда кичик тадбиркорликка хос бўлган янги иш ўринларини яратишга эътибор бериш лозим. Ушбу вазифани бажариш жараёнида қуйидаги муаммоларни ҳал этиш лозим:

- аҳоли бандлигини таъминлаш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш ҳамда ривожлантириш ҳудудий дастурларида белгиланган асосий параметрларини бажарилмаётганлиги;

- хуудларда фаолият юритмаётган тадбиркорлик субъектларининг улуш юқорилиги;
- махаллий хокимиёт органларининг кичик бизнес вакиллари билан ўзаро ҳамкорликдаги алоқалари етарли даражада йўлга қуйилмаганлиги;
- тадбиркорлик субъектларини ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришлари учун бино, ер ажратиш, газ ва електроэнергия таъминотидаги узилишлар коммуникациялар) ва ҳоказолар;
- жойларда тадбиркорликка кўмаклашувчи бозор инфратузилмалари ташкилотларининг етишмаслиги ёки юқори савияда хизмат кўрсатмаётганлиги.

2.3. Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришнинг SWOT таҳлили.

Бозор муносабатлари ривовланиш жараёнида иқтисодий соҳалари ва тармоқларида фаолият субъектларининг ривожлантиришнинг самарадорлигини ошириш иқтисодий барқарорлик ва тараққиётнинг асосини яратади. Хизмат кўрсатиш корхоналарида умумий самарадорлик таркибида иқтисодий самарадорлик муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодий самара ишлаб чиқариш жараёнида яратилган иқтисодий неъматлар ҳажми билан ифодаланади. Иқтисодий самарадорлигининг мезони харажатлар билан эришилган иқтисодий неъматлар муносабатидир. Ишлаб чиқариш жараёнида зарур омиллар (ер, капитал, меҳнат, тадбиркорлик ахборатлар) сарфланади ва унинг натижасида маълум миқдордаги неъматлар яратилади.

Диссертацион тадқиқотлар жараёнида самарадорликни боҳолаш учун ресур-сарф ёндашувдан фойдаланишнинг назарий ва таҳлилий тадқиқоти олиб борилиб, ушбу ёндашувнинг чекланганлиги асосланган эди. Бу айниқса соф хизматлар (индивудал хизматлар) кўрсатишда меҳнат унимдорлиги ва фондлар қийматидан пастлиги ишлаб чиқариш омиллар ҳисобланган меҳнат

ёки капиталларда меҳнат сарфлари салмоғининг юқорилиги билан мазкур хизматларда меҳнат сарфлар солмоғининг юқорилиги билан тавсифланади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкин, хизматнинг баъзи турларида (инерт индивудал ва асимптотик инерт шахссиз хизматлар) фаолият самарадорлигини объектив ифодалаша учун мақсадга мувофиқ ёндашувдан фойдаланиш лозим.

Бизнинг фикримизча, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш учун реал иқтисодий ҳолатни тури ва аниқ боҳалай оладиган иқтисодий кўрсаткилар тизимини ишлаб чиқиш мақсадида мувофиқдир. М.Хаммернинг фикрича, бизнес назариясида ҳар хил кўрсаткичлар ўлчови бошқарувнинг муҳим воситаси ҳисобланади”⁴

Унинг фикрича, улар асосида корхонани бошқариш бўйича муҳим қарашларни қабул қилиш мумкин. Аммо реал иқтисодий ҳаётда корхонанинг назорат кўрсаткичлари тизими ўз таркибига кўплаб кераксиз маълумотларни қамраб олади. Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришнинг имкониятлари мавжуд бўлиб бу имкониятлари мавжуд бўлиб бу имкониятлар бизнинг назаримизда қуйидагилардан иборат:

1. Юридек ва жисмоний шахс мақомига эга бўлган истеъмолчиларга кўчма хизматларни ташкил этиш. Бу корхонанинг қўшимча хизматларидан келадиган даромадлар хиссасининг ортишига олиб келади;
2. Хизмат турларини ишчи-ходимларнинг мутахассислиги бўйича ихтисослаштириш. Бу аниқ иш вақтида бажарилаётган иш ҳажмининг ортиши, ходимларнинг ихтисослашиши натижасида малака кўникмаларининг кўтарилишига олиб келади;
3. Хизмат кўрсатиш шахобчаларини минтақа бўйлаб кенгайтириш. Бу ҳолатда корхона бутун вилоятдаги истеъмолчиларни қамраб олади.

⁴ Хаммер. М. Бизнес xx веке:повестка дня (перевод с англ.)- М.:ООО. Изр., “Добрая книга”, 2005-с.137.

Юқоридаги анъанавий таҳлил усуллари кенгайтириш ҳамда бу усуллар натижаларини қисман бўлсада қиёсий таққослаш учун Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бугунги кундаги устунликлари, заиф жиҳатлари, имкониятлари ҳамда унга нисбатан таҳдидларни SWOT⁵ - таҳлили ёрдамида кўриб чиқдик. Истиқболда республиканинг барча ҳудудларида, хусусан, Самарқанд вилоятида тегишли чора – тадбирларни, хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг мутақавий дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда муҳим илмий ва амалий аҳамиятини эътиборга олиб, тадқиқотимизнинг ушбу бўлимида SWOT-таҳлили натижаларини келтирамиз 3- жадвал.

Унга кўра, хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг кучли томонлари сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Давлат ва ҳудудий дастурларнинг узоқ муддатига ишлаб чиқилганлиги ва амал қилиниши; қулай меъёрий-ҳуқуқий заминнинг яратилганлиги; солиқ ва божхона имтиёзларининг мавжудлиги; тижорат банкларида имтиёзли кредитлаш механизмининг такомиллашганлиги; давлат ва назорат идораларининг молиявий – хўжалик фаолиятига аралашувининг кескин камайтилганлиги; тижорат банклари капиталлашув даражасининг ошганлиги; инқироздан чиқиш бўйича аниқ чора тадбирларнинг мавжудлиги кабиларни қайд этишимиз мумкин.

Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг заиф томонлари сифатида кадрлар малакасининг талабга жавоб бермаслиги, уларнинг бозор сирларини, конъюктурасини яхши билмаслиги; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари истиқболли режаларининг асоссиз тузулганлиги; молиявий ресурсларнинг чекланганлиги; қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш бўйича

⁵SWOT

етарли ахборот олинмаслиги; пул даромодлари ва харидорлар сонинг камайиши; талаб ва таклиф, маркетинг, бозор конъюктурасини ўрганиш бўйича тадқиқотларининг ҳудудлар бўйича ўтказилмаганлиги каби кўрсаткичларни айтиш зарур.

3- жадвал

Самарқанд вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг SWOT таҳлили⁶

КУЧЛИ ТОМОНЛАРИ	ЗАИФ ТОМОНЛАРИ
• кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Давлат ва ҳудудий дастурларнинг узоқ муддатига ишлаб чиқилганлиги ва амал қилиши; • Қулай меъёрий – ҳуқуқий заминнинг яратилганлиги; • Солиқ ва божхона имтиёзларининг мавжудлиги; • Тижорат банкларида имтиёли кредитлаш механизмининг такомиллашганлиги; • Давлат ва назорат идораларининг молиявий-хўжалик фаолиятига аралашувининг кескин камайтирилганлиги; • Тижорат банкларининг капиталлашув даражаси ошганлиги; • инқироздан чиқиш бўйича аниқ чора-тадбирларнинг мавжудлиги.	• Кадлар малакасининг талабга жавоб бермаслиги, уларнинг бозор сирларини, конъюктурасини яхши билмаслиги; • кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг истикболли режаларининг асоссиз тузулганлиги; • Молиявий –ресурсларнинг чекланганлиги; • Қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш бўйича етарли ахборотга эга эмаслиги; • Пул даромодлари ва харидорлар сонининг камайиши; • Талаб ва таклиф, маркетинг, бозор конъюктурасини ўрганиш бўйича тадқиқотларнинг ҳудудлар бўйича ўтказилмаганлиги кабилар.
ИМКОНияТЛАР	ТАҲДИДЛАР

⁶ Муаллиф ишланмаси.

• Туловга қодир инвесторларнинг соҳага инвестиция қўйиш истаги мавжудлиги; • кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳукумат томонидан устуворлик берилиши; • кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бозорга тез мослашувчанлиги; • божхона назорати муддати уч йил билан чекланганлиги; вилоятда кансальтинг хизматларини кўрсатиш ва уни ривожлантириш имкониятларининг мавжудлиги; маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва бозор конъюктурасини ўрганиш кўникмасининг мавжудлиги кабилар.	• боҳолар ва фоиз ставка-ларининг барқарор эмаслиги; • хорижий рақобатчиларнинг хизматлар бозорида мавқеи ўсиши; • бошқа ҳудудлар билан хизмат бозорининг яхши йўлга қўйилмаганлиги; • қонунчиликдаги ўзгаришларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳамиша етиб келиш имкониятининг йўқлиги; • мавсумий ва демографик вазиятнинг ўзгарувчанлиги;
---	--

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг имкониятлари сифатида ҳукумат томонидан туловга қодир инвесторларнинг соҳага инвестиция қўйиш истагининг мавжудлиги; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳукумат томонидан устуворлик берилиши; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бозорга тез мослашувчанлиги; божхона назорати муддати уч йил билан чекланганлиги; вилоятда кансальтинг хизматларини кўрсатиш ва уни ривожлантириш имкониятларининг мавжудлиги; маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва бозор конъюктурасини ўрганиш кўникмасининг мавжудлиги кабиларни таъкидлашимиз мумкин.

Ўз навбатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга таъдид солувчи жиҳатлар — боҳолар ва фоиз ставкаларининг барқарор эмаслиги; хорижий рақобатчиларнинг хизматлар бозорида мавқеининг ўсиши; ошқа ҳудудлар билан хизмат бозорининг яхши йўлга қўйилмаганлиги; қонунчиликдаги ўзгаришларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳамаи етиб келиш имкониятининг

йўқлиги; мавсумий ва демографик вазиятнинг ўзгарувчанлиши; оилавий бизнеснинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олганлиги.

Ўтказилган SWOT-таҳлили натижалари минтақадаги барча имкониятларни ишга солиб заиф томонлар ваи таҳдидларни бартараф этиш, кчли томонлар ҳамда имкониятларни тўлиқ ишга солиш бўйича самарали қарорларп қабул қилиш имконини беради ва шу асосида митақада хизмат кўрсатиш соҳасидап кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тараққий этишига замин яратади, деб ҳисоблаймиз

Бизга малумкий, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти доимий равишда ривожланиб, унинг сифати ва миқдорий таркиби кенгайиб бормоқда.

III-Боб. Жамиятни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш истиқболлари.

3.1. Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари.

Бизнинг Самарқанд вилоятида олиб борилган илмий тадқиқот натижасида аниқландики, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг сони ва бу соҳада банд бўлган аҳоли улуши йил сайин тобора ошиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишига кўмаклашадиган асосий омил – соғлом тадбиркорлик муҳитини барча тадбиркорлар фаолияти учун (тенг имкониятлар, тушунарли қоидаларни) яратиш ҳисобланади. Ушбу жараёнларга кўмаклашиш мақсадида Халқаро молиявий корпорация томонидан Ўзбекистон тадбиркорларининг республикадаги тадбиркорлик муҳити бўйича фикрларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш ва давлат ислохотларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсирини ўрганиш бўйича махсус тадқиқотлар ўтказилади. Тадқиқот натижалари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланишига таъсир қиладиган турли хил тусиқлар туғрисидаги фикрларни акс эттиради. Тадқиқот жараёни Ўзбекистоннинг 12 та вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрининг 2000 микрофирмалар, кичик бизнес корхоналар вакилларининг фикрларини камраб олади.

Тадқиқот натижаларига мувофиқ тадқиқотга қатнашган кўпчилик кичик бизнес ва хусусий корхоналари ўз ривожланишини таъкидлаб ўтганлар: 81 фоизи респондентлар реализация ҳажмлари 2008 йилда 81 фоизга ўсганлигини таъкидлаганлар.

Айтиб ўтиш лозимки, тадқиқот натижалари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг географик жойлашишига боғлиқ равишда иш юритишдаги катта фарқларни намоён этди. Бу тадбиркорлик муҳитининг маҳаллий ҳукумат органлари фаолиятига узвий боғлиқлигини кўрсатиб беради. Умуман олганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг маҳаллий ҳукумат органлари фаолиятига узвий боғлиқликни кўрсатиб беради. Умуман олганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг маҳаллий ҳукумат органлари фаолиятига муносабати ўтган йилларга нисбатан яхшиланади. Тадқиқот натижасида аниқланган муҳим муаммолардан бири – тадбиркорлар ҳуқуқий билими даражасининг пастлиги ҳисобланади. 2009 йилда ўтказилган тадқиқот натижаси бўйича 72 фоизни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятларини тартибга соладиган қонунлар бўйича узил – кесил маълумотга эга бўлган. 2008 йилда ушбу кўрсаткич 76 фоизга етди.

Тадбиркорлар ўз ҳуқуқларини қанчалик билишлари туғрисидаги саволга жавобларни таҳлил қилиш натижалари ҳам худди шундай тендинцияда ўзгаради.

Корхоналар ўлчамлари бўйича маълумотлар таҳлилининг кўрсатишича, кичик корхоналар ва микрофирмаларда қонун ва ҳуқуқларни билиш даражаси анча ёмон. Буни йирик корхоналар доимий консультацион ёрдам учун малакали юрист хизматидан фойдаланиш имконияти борлиги билан асослаш мумкин. 2008 йилда сўровда қатнашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг атига 6 фоизи малакали кишилар хизматидан фойдаланишганлар.

Ўтган йилига нисбатан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қонундаги сўнгги ўзгаришлар туғрисидаги маълумотлар манбалари унчалик ўзгармаган. Кенг тарқалган маълумот манбалари дўстлар ва ҳамкорлар бўлиб қолмоқда. Ушбу манбалардаги кўпинча ҳужжатнинг фақатгина умумий моҳиятини билиш мумкин.

Хусусий билим даражасининг пастлиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига салбий таъсир қилади. Қонунни билмаслик тадбиркорларга бошқа тадбиркорлик субъектлари ва назорат органлари билан алоқалар ўрнатиш имкониятини чеклайди. Ушбу далиллардан келиб чиққан ҳолда айтиш лозимки, тадбиркорлар ҳуқуқий билимини оширишга йўналтирилган давлат кўмаги ҳалигача зарурдир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги қошида уч йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш ва ҳимоя қилиш бошқармаси фаолият юритиб келмоқда. 2009 йилда вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридаги бошқарма ходимлари 90 кишини ташкил этди.

Бошқарманинг асосий вазифалари қуйидагилардир:

1. тузилган ва фаолият олиб бараётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солиш бўйича барча қонун ҳужжатларига қарғий риоя қилинишини таъминлаш;

2. тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш ва самарали қаролият юритиш учун қулай ҳуқуқий ва ташкилий шароитларни яратиш бўйича амлдаги қонунларни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

3. назорат органлари томонидан текширишларни амалга ошириш қонунийлигининг назоратини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг бўзилган ҳуқуқларини қайта тиклаш бўйича чора – тадбирларни қабул қилиш;

4. кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашуш ҳолларининг мониторингини амалга ошириш.

Бошқа айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар киртиш ҳуқуқиги эга. 2008 йилда Адлия вазирлигига тадбиркорлар томонидан топширилган 2800 дан ортиқ аризалардан 1324 таси бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг турли хил

масалалари бўйича мансабдор шахслар ва давлат органлари томонидан қонунни бузиш ҳоллари аниқланган.

Адлия вазирлигининг қуйидаги чора – тадбирлар воситасида тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимини ошириш бўйича фаолият эътиборга лойиқдир:

- республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида мос ахборот материалларини тарқатиш;
- радио ва марказий телевидениядан тадбиркорлик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг турли хил саволларига бағишланган кўрсатувларнинг намоиш этилиши;
- адлия органлари ходимлари томонидан тадбиркорларга ўз ҳуқуқларини, уларни ҳимоя қилиш йўллариини тушунтириш мақсадида доимий равишда семинар ва учрашувлар ўтказилиш.

Адлия вазирлиги қошидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш ва ҳимоя қилиш бошқармасининг мавжудлиги тўғрисида хабардор бўлганлар сонининг ошиши кузатилади. Айтиб ўтиш лозимки, мазкур бошқармага мурожат қилган тадбиркорларнинг кўпчилиги ўз фаолиятида ижобий натижага эришдилар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз вилоятларидаги тадбиркорлар муҳитининг якуни 12 ой довомида ижобий муҳитнинг ўзгариши таъкидланган. Ўзбекистон бўйича тадбиркорлик муҳитининг ўзгариши бўйича саволга эса 2011 йилда сўровда қатнашганларнинг 64 фоизи (тадбиркорликнинг яхшиланишини таъкидлаган бўлсалар, 2010 йилда эса бу кўрсаткич 42 фоизга камайди. Тармоқлари бўйича тадбиркорлик муҳитини ўзгариш кўрсаткичлари шуни кўрсатадики, тадбиркорларнинг фикрича саноат ишлаб чиқаришда ҳолатнинг салбий томонга ўзгариши таъкидланди: 2011 йилда ушб тармоқнинг яхшиланишини 61 фоиз респондентлар таъкидлаган бўлсалар, 2010 йил натижалари бўйича бу субъект фақатгина 35 фоизни ташкил этди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, 2010 йилда 18 фоиз сўровда қатнашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари қобилиятини қайтадан бошлаш имконияти бўлса, бизнес билан шуғулланмасликларини таъкидлаганлар. 2002 йилда бу кўрсаткич атига 10 фоизни ташкил этган эди.

2002 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторини ривожлантириш ва тадбиркорлик фаолияти субъектларини рўйхатга олиш ва ҳисобга қўйиш тизимини соддалаштириш мақсадида вазирлар маҳкамасининг “Тадбиркорлик субъектларини давлат рйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизитмини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Бу қарор хўжалик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш жараёнини анча соддалаштиришга йўналтирилган. 2010 йил октябр ойигача рўйхатга олиш ва ҳисобга қўйиш жараёнининг барча қийинчилиги бевосита тадбиркорлик зиммасида бўлган, чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари нафақат маҳаллий ҳокимият органлари рўйхатидан ўтиш, балки мустақил равишда солиқ инспекциясида, статистика органларида, бандлик ва ижтимоий ҳимоя органларида ва бошқа давлат тузилмаларида ҳисобга қўйилишлари лозим эди. Ушбу давлат органларидан ҳар бири ўз тартибини қўллаган эди., бу корхона томонидан қобилият бошида сарфланадиган вақтни кўпайтирар эди. Юқоридаги қарорнинг қабул қилиниши бу жараённи анча соддалаштирди. Рўхатдан ўтиш учун зарур бўладиган муайян муддат ва ҳужжатлар сони белгиланди.

Янги тизимга мувофиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳужжатларни фақат битта рўйхатга олиш органига тапширади. Рўйхатга олишнинг қолган барча жараёнларини, яъни солиқ ва статистика органларида , йўл фонди, шунингдек маҳаллий меҳнат, бандлик ва ижтимоий ҳимоя бўлимларида ҳисобга қўйиш ва бошқа жараёнларни, тадбиркор номидан фаолият юритадиган рўйхатга олиш органи бажаради. Барча ишлар бажарилгандан сўнг рўйхатга олувчи орган давлат санитария – эпидимиология назорати органлари, давлат ёнғин хавфсизлиги хизмалари ва

товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини янги тузилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти тўғрисида хабардор этади.

Рўйхатга олингандан сўнг ва ўз фаолиятини бошлашдан олдин маълум фаолият тури билан шуғулланадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мажбурий равишда фойдаланиладиган бино жойда маҳаллий ҳокимият органлари мос рухсатномалар олиш учун мурожат қилишлари зарур. Бу жараён 2009 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун муаммоли жаранёнлардан бири бўлиб ҳисобланди.

2009 йил август ойида ҳукумат томонидан тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатга олиш жараёнларининг янги тартиби жорий қилинди. Янги тартибга мувофиқ, вилоят ва туман ҳокимлари қошидаги рўйхатга олиш бўлимлари ўрнига 2009 йил октябргача Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш бўйича инспекцияларни ташкил этиш кўзда тутилади. Бу инспекцияларини вазифалари, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва мос органларга ҳисобга қўйишдан ташқари, ваколатли органларда ва эксплуатация ташкилотларида рухсатнома хужжатларини, шу жумладан объектларни қуриш ва қайта тамирлаш учун зарур буладиган инженерлик коммуникацияга уланишнинг техник шартларини расмийлаштириш ҳисобланади. Янги тузилаётган корхоналар учун бу рухсатномаларни олиш корхонани рўйхатга олиш жараёни билан биргаликда олиб борилади.

Янги тартибга мувофиқ ариза бериш санасидан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва рухсатномаларни расмийлаштиришгача умумий муддат фаолият мураккаблигига қараб 1 ойгача белгиланган.

2008 йилда “битта дарча” тартиби бўйича рўйхатга олинган тадбиркорларнинг фикрлари янги тизимни эски тизим билан солиштириш имконини беради. 2008 йилда рўйхатга олинган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ярмида рўйхатга олиш жараёнида муаммо

вужудга келмаган. Бу 2009 йилдаги кўрсаткичларга дуч келган тадбиркорлар асосан талаб қилинадиган хужжатлар кўплиги, рўйхатга олишнинг узок муддатини ва рўйхатга олиш органларидаги қоғозбозлик муаммолари ажратиб ўтганлар.

Бизнинг фикримизча, қонунда рўйхатга олиш муддати ва бундан талаб қилинадиган хужжатлар сони қатъий чекланганлиги сабабли ушбу муаммоларнинг вужудга келиши ёки тадбиркорлик ҳуқуқий билимининг пастлиги ёки жойларда рўйхатга олиш органлари томонидан қонун хужжатларнинг бажарилмаслиги билан боғлиқ. Бунга қарамасдан, тадбиркорлик фикрича 2009 – 2008 йилларда рўйхатга олишдаги умумий аҳвол яхшиланди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, “битта дарчага” тизимини жорий қилиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ушбу жараёни анча соддалаштирди. Бошқа томондан, вилоятларда ушбу тизимни амлга ошириш механизми назоратни талаб қилади. Рўйхатга олиш жараёнинг мураккаблик даражаси маҳаллий ҳокимият органларига, тадбиркорларнинг ўз ҳуқуқини билиш даражасига боғлиқ. Ҳуқуқий билим омилининг аҳамияти жуда ҳам муҳим айрим ҳолларда хужжатларнинг хаттоки соддалаштирилган пакетини тайёрлаш тадбиркорларнинг кўп вақтини ва кучини сарфлайди.

Бу борада рўйхатдан ўтиш, учун зарур бўлган хужжатларнинг намунавий пакетини тузишни тавсия қиламиз. Тадбиркор ушбу хужжатлар асосида ўз хужжатларини расмийлаштириш имконига эга бўлади.

Рухсатнома – бу корхонага маълум фаолият турини амалга ошириш имконини берадиган давлат органи томонидан бериладиган расмий хужжат, зарур рухсатномалар тури асосан муаян корхона фаолият турига боғлиқ бўлади. “Битта дарчага” рўйхатга олиш тизими даражасида статистика органлари, солиқ инспекцияси, шунингдек ички ишлар органида ҳисобга қўйиш жараёни қисман такомиллаштирилди. Аввал илгари янги тузилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари статистика, солиқ

инспекцияси, шунингдек ички ишлар органларида, меҳнат, бандлик ва ижтимоий ҳимоя органларида ёки ҳудудий йўл фонди мустақил равишда ҳисобга қўйилиши лозим бўлса, ҳозир янги рўйхатга лоинган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳисобга қўйиш рўйхатга олиш органи ҳокимиятнинг ўзи амалга оширади. Бундан ташқари, ёнғин хавфсизлиги ва СЭС органларида рухсатномалар олиш ҳам зарур бўлганда рўйхатга олиш органи томонидан амалга оширилади. у 2 давлат органи 2 иш кунда аризани кўриб чиқиши ва рухсатнома бериш лозим эди.

Таҳлил натижасида аниқландики, қарорда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг барча статистика, солиқ инспекцияси ва хоказо органларда ҳисобга оlinиши рўйхатга олиш органи томонидан амалга оширилишига қарамай янги тартибга ҳамма вақт риоя қилнмайди. Тармоқлар бўйича битта дарчага рўйхатдан ўтганидан сўнг 55 фоиз саноат корхоналари етидан унгача рухсатномалар, 45 фоиз қурилиш(корхоналари биттадан учтагача рухсатномалар, 51 фоизи қишлоқ хўжалик корхоналари- биттадан учтагача рухсатномалар ва 60 фоиз савдо ва умумий овқатланиш корхоналари – биттадан олтигача рухсатномаларни олишлари зарур эди.

2009 йилда фақатгина 37 фоиз тадбиркорлар рухсатномалар олиш жараёнида ҳеч бир муаммога дуч келмаганлигини таъкидлаганлар. Ёнг асосий муаммолардан бири талаб қилинган ҳужжатлар сонини кўплиги, жараённинг узок муддатга чузилиши ва қоғозбозликни алоҳида ажратиб утганлар. Умуман олганда, 2009 йилда турли хил рухсатномаларни олиш учун ўртача 5 иш кунидан 40 иш кунигача сарфланади. Аммо ўртача ҳар бир орган рухсатномаларни 7 иш кунини давомида берган.

Кўпгина тадбиркорлир ўз фаолияти давомида рухсатномаларни қайтадан олишга туғри келган. Ушб кишиларнинг ҳар бештасидан биттаси жараённинг мураккаблашганлигини таъкидлаганлар.

Юқорида таъкидлаб утилганларининг барчаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан рухсатномалар олиш жараёнининг мураккаблигидан далолат беради.

Бундан келиб чиққан ҳолда у ёки бу рухсатномалар заруплигини белгилайдиган иқтисодий ва ижтимоий фойда оқибатларни таҳлил қилишни ва таҳлил натижасида марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан рухсатномалар олиш зарур бўлган тадбиркорлик фаолияти турлари рўйхатини қисқартиришни тавсия қиламиз.

Кўпчилик тадбиркорларнинг фикрича ҳозирги кунда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишига тусқинлик қиладиган асосий омиллардан бири амалдаги солиқ солиш тизими ҳисобланади. Тадбиркорлар солиқларнинг зарурлигини тушунсалар, ҳам, улар солиқ солиш жараёнини мураккаблаштирадиган кўпчилик камчиликларнинг мавжудлигини белгилайдилар.

Солиқ солиш жараёнида тадбиркорликнинг иш фаолиятига салбий таъсир қиладиган омилларни мақсадида ўтказиладиган тадқиқот натижасида аён бўлдики, биринчи навбатда бундай омилларга юқори солиқ ставкалари, солиқ сонинг кўплиги ва солиқ қонунчилигининг барқарорсизлиги киради.

Айтиб ўтиш лозимки, тадбиркорлар томонидан юқори солиқ ставкалари” омилига киритилган саволларни кўриб чиққанда нафақат солиқнинг фоиз ставкасини, балки солиқ базасини ҳам эътиборга олиш зарур. Масалан юридик шахсларнинг фойда солиғини ҳисоблаганда солиқ ставкаси – 24 фоиз бошқа солиқларга ўртача даражали ҳисобланади. Аммо, корхонанинг бир қатор харжатлари махсулот таннархига киради, лекин солиқни ҳисоблаганда солиқ солинадиган базада харажатлар сифатида ҳисобга олинмайди.

Шунингдек, солиқ солиш масалаларини кўриб чиққанда Ўзбекистонда турли хил ижтимоий фондларга катта ажратмаларни ҳисобга олиш зарур.

Тадқиқот натижаларига мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий корхоналари 2008 йилда ўртача корхона умумий даромадининг 23 фоизи миқдоридаги

солиқларни тулаганлар. Бу 2009 йилдаги ўртача кўрсаткичлари билан бир қаторда туради. Ушбу кўрсаткич корхона улчами ошиши билан усади: микрофирмалар бўйича у 23 фоизни, кичик корхоналар бўйича-24 фоизни урта корхоналар бўйича эса 28 фоизни ташкил этади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, маҳаллий ҳукумат органлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иш муҳитига сезиларли таъсир утказади. Бунинг натижасида вилоятлар бўйича солиқ солиш кўрсаткичларининг кескин фарқланиши кўзатилади. Солиқ қонунчилигини таҳлил қилиш натижасида аён бўлдики, маҳаллий солиқ ва йиғимлари бўйича ҳокимият томонидан фақат юқори чегаралар белгиланди. Аммо вилоятлар бўйича бундай фарқларни “ яширин солиқлар” билан асослаш мумкин. Бу адбиркорлар томонидан шаҳарни ободанлаштириш, хайрия фондлари ва байрамларни ўтказиш бўйича турли хил ишларга туланадиган сўммаларни ўз аксини топади. Бундай ажратмалар миқдори маҳаллий маъмурият томонидан белгиланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда солиқ қонунчилиги солиқ Кодекси, Қонунлари, президент фармонлари, вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва давлат солиқ қўмитасининг турли хил меъёрий ҳужжатларидан иборат. Шундай қилиб солиқ қонунчилиги мураккаб меъёрий – ҳуқуқий базани ташкил этиб. У тез – тез ўзгариб туради. Бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иш юритишини анча қийинлаштиради. 61 фоиз тадбиркорлар Ўзбекистонда солиқ қонунчилиги барқарорсизлигини тадбиркорлик фаолиятини ривожланишига салбий таъсир қиладиган омил сифатида белгиладилар.

2008 йилдаги солиқ қонунчилигига 30 га яқин ўзгартиришлар киритадиган меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари солиқ ҳисобини юритишни соддалаштириш мақсадида 1998 йилдан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар учун соддалаштирилган солиқ тизими жорий қилинди.

Кичик тадбиркорлик субъектлари умумдават ва маҳаллий солиқ ва йиғимлари ўрнига ягона солиқ тулаш имкониятига эга бўлдилар. 1999 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалик ширкатлари, фирмер хўжаликлари, агрофирмаларва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ягона ер солиғи тўловчилари бўлдилар. У ҳам умуммамлакат ва маҳаллий солиқ ва йиғимлари ўрнига тўланади. Соддалаштирилган солиқ солиш тизимига ўтган ва умумий белгиланган тартибда солиқ тўлайдиган корхоналарнинг солиқ юки миқдорини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, 2008 йил солиқ юки соддалаштирилган тизимга нисбатан паст эди. Таҳлил натижалари бўйича ҳозирги вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тахминан ярми соддалаштирилган солиқ солиш тизими бўйича фаолият юритади. Аммо айтиб ўтиш лозимки. Унинг афзалликларига қарамай кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кўпчилиги умумий солиқ солиш тизимини афзал кўрадилар.

Биринчидан, бу ягона солиқ корхона фойдалилигини ҳисобга олмаслиги ва корхона обороти ҳисобидан тўланиши билан асосланади.

3.2 Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига инновация ва инвестицияларни жалб қилиш йўли билан ривожлантириш истиқболлари.

Маълумки, мамлакатимизда инновацион ғоялар бозори ташкил қилинишига дастлабки қадамлар қўйилди. 2008 йилдан бошлаб юртимизда “Инновацион ғоялар, технологиялар ва сойиҳалар ярмаркалари” ўтказилиб келинмоқда. Ушбу тадбир илмий тадқиқот ишлари ва амалиётни бир-бири билан боғлашда кўприк вазифасини утаб келмоқда. Энг муҳими, бу тадбирлар илмий ходимларни амалиёт ва унинг талаблари билан таништирса, амалиётчиларни мамлакатимизда яратилаётган инновациялар, янги ғоялар ва илмий ихтиролар билан таништириб келмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мамлакатимизда инновацион ғояларнинг ривожланишига давлатимиз томонидан амалий кўмак бериб

келмоқда. Жумладан, инновацион фаолиятга киришган таълим, илмий-техникавий, тажриба-конструкторлик муассасалари ва ташкилотлари 2013 йилнинг 1 январигача бўлган муддатга барча солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан озод қилинган. Ушбу маблағлар эса, ўз навбатида шу инновация билан шуғулланадиган ташкилотлар моддий – техника базасини ўнглашга ва илмий ходимларни рағбатлантириш орқали, уларнинг яшаш даражасини кўтаришга йўналтирилмоқда.

Инновацион гоёлар бозори йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Фақат 2011 йилнинг 13-15 апрелида ўтказилган 4-ярмаркада 100 дан зиёд илмий тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, олий ўқув юртлири ва хусусий тиадбиркорларнинг 600 га яқин ишланмалари тақдим этилди. Ярмарка давомида 390 та , умумий қиймати 11,0 млрд. Сўмлик шартнома имзоланди.⁷

Инновациянинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги аҳамияти ва таъсирини бир қанча йўналишларда кўришимиз мумкин. Буни биринчидан, мамлакатимиз аграр иқтисодиётга асосланган давлатдан индустриал мамлакатга айланаётганлигида, иккинчидан, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва иш бажаришда оддий анъанавий иш қуролларидан автоматлашган иш қуролларига утилишида, жлҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишини сақлаб қолганлигида, туртинчидан эса, мамлакатимизда иқтисодиётнинг модернизация қилинаётганлиги эвазига жадал суръатлар билан ривожланаётганлиги кабиларда кўришимиз мумкин.

Мамлакатимиз раҳбари И.А. Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислохатларининг суръати ва мантиқий талабларидан келиб чиққан ҳолда, эркин бозор иқтисодиёти

⁷ Сафаров М. Инновация гоёлари равнақ толпади.// “Халқ сўзи”, 2011 йил. 14 июл-26.

муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган бир қатор қонунлар қабул қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда”⁸

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантиришда инновация ғояларни амалга ошириш ўта муҳим касб этади, чунки ҳар бир тадбиркор янги ғояларсиз ишлаб чиқаришни ўзок муддатга давом этириш долзарб масала.

Иқтисодиётдаги таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини янада жонлантириш, хорижий инвестицияларни, аввало тўғридан -тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуrollантириш, чнги иш ўринларини шакллантириш ва булар асосида миллий иқтисодиётнинг барқарор ва динамик ривожланишини таъминлашг мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1213-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилга инвестицион дастури ҳақида” ги қароритасдиқланган бўлиб, ушбу дастур асосидаги капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари таркибида банк тизими инвестицион кредитларнинг аҳамияти юқори бўлмоқда. Буни 4- жадвал маълумотлари орқали кўришимиз мумкин.

Ушбу жадвал маълумотларига кўра, 2010 йилги инвестицион дастурда белгиланган капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми 18220,3 млрд. Сўмни ташкил этиб, унинг 8,4 фоизи тижорат банклари кредитлари ҳисобига молиялаштирилади. Шундан, “Қишлоқ қурилиш банк” имтиёзли кредитлари 256,0 млрд. Сўмни ташкил қилиб, асосан ушбу кредитлар қишлоқ жойларда уй-жой қурилишига сарфланиши мулжалланган.

Ўзбекистон Республикаси 2010 йилги инвестицион дастури капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари.⁹

⁸ Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш-мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир.- Т.: “Ўзбекистон”, 2011.Т. 19.-Б.105-106

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1213- сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилга инвестицион дастури ҳақида”ги қарори 4-жадвал

4-жадвал

№	Молиялаштириш манбаларининг номлари	2010 йилги прогноз, млрд. Сўм	Жамига нисбатан фоизда
	Капитал қуйилмалар жами	18220,3	100
1.	Марказлаштирилган инвестициялар	3819,8	20,9
2.	Номарказлаштирилган инвестициялар	14400,5	79,1
2.1	Корхоналар маблағлари	7777,7	42,7
2.2	Тижорат банклари кредитлари	1530,0	8,4
2.2.1	Шу жумладан “қишлоқ қурилиш банк”ининг имтиёзли кредитлари	256,3	1,4
2.3	Тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар	3876,8	21,2
2.4	Аҳоли маблағлари	1216,0	6,6

6-жадвал

**Самарқанд вилоятида хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарнинг
асосий кўрсаткичлари¹⁰**

	Ташқи савдо айланмаси, минг АҚШ долл	2010 й. январ- мартга нисбатан фоизда	Экспорт, минг. АҚШ Долл	2010 й. Январ- мартга нисбатан фоизда	Импорт, минг АҚШ долл	2010 й. январ- мартга нисбатан фоизда	Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар			
							Рўйхатга олинган лар сони, бирлик	шу жу мла дан , фа оли ят кўр сат аёт ган лар и, бир лик	экспорт ҳажми, минг АҚШ долл	Ҳисобот ташқил эти лди, бир лик

¹⁰ Самарқанд вилояти статистика бошқармаси ососида муаллиф томонидан

Жами	1256 29,1	134, 6	3118 0,7	134, 0	944 48,4	134,8	185	166	156 18, 3	7
Шах арлар:										
Самар қанд ш.	6035 6,0	127, 7	1037 6,1	84,8	499 79,9	142,6	104	89	320 3,1	5
Катта қўрғон ш.	577,0	3,2 м	47,9	-	529, 1	2,9 м	4	3	-	-
Тум анлар:										
Оқда рё	4851, 4	-	-	-	485 1,4	-	2	1	-	-
Булун ғур	1477, 7	7,7 м	1199, 1	6,3 м	278, 6	278,6 м	2	2	837 ,6	-
Жомб ой	3749, 8	80,2	2151, 4	4,3 м	159 8,4	38,3	15	15	332 ,1	1
Ишт ихон	204,0	43,0	-	-	204, 0	43,0	1	1	-	-
Катт ақўрғо н	866,8	119, 8	-	-	866, 8	119,8	2	2	-	-
Қўш абот	24,1	102, 1	-	- 24,1	102,1	-	-	-	-	-
Пайа риқ	107,1	65,7	-	-	107, 1	82,8	-	-	-	-
Паст дарғом	1210 2,3	107, 2	1076 1,0	165, 1	134 1,3	28,1	7	7	663 1,4	-
Пахт ачи	90,9	6,7	-	-	90,9	6,7	2	1	-	-
Сама	7099,	88,1	2655,	2,2	444	65,1	18	18	252	1

<i>рқанд</i>	1		4	м	3,7				0,5	
<i>Нарп ай</i>	1878,2	140,4	1662,3	133,7	215,9	2,3 м	2	2	128,1	-
<i>Нуро бод</i>	11655,4	151,1	-	-	11655,4	151,1	1	1	-	-
<i>Тайло қ</i>	9134,7	2,2 м	580,3	70,4	8554,4	2,6 м	4	4	580,3	-
<i>Ургу т</i>	4915,6	171,1	1385,2	5,0 м	3530,4	136,1	21	20	1385,2	-


3.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи савдо фаолиятининг ривожланиш ҳолати ва истиқболлари.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятда кенг иштрок этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқишга кўмаклашиш, экспорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш жараёнини ҳамда умуман божхона маъмуриятчилигини соддалаштириш ва лебераллаштириш. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг “Марказсаноатэкспорт” давлат акциядорлик ташқи савдо компанияси қошида кичик хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича Ўзтадбиркорэкспорт” ихтисослаштирилган ташқи савдо компаниясини ташкил этиш ва 2011 йилнинг охиригача республика ҳудудларида унинг ваколатхоналарини очиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинишини таъкидлаб ўтди ¹¹ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ташқи иқтисодий фаолият соҳаси ҳам аста – секин ривожланмоқда . Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги улушини 4- расмда келтирганмиз.

¹¹ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривжлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги “2011 йил августдаги 4354-сонли Президент И.А. Каримов фармони.

4 расм

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги улуши.



Кичик бизнес корхоналарининг асосий экспорти қишлоқ хўжалиги, тўқиммачилик, ишлов берувчи, электротехника ишлаб чиқариш маҳсулотлари ҳамда халқ амалий санъати буюмларидир.

Республикамизнинг иқтисодий тараққиёти, иқтисодий мустақиллиги, халқнинг фарован турмуш даражаси, қолаверса, меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражаси кичик бизнес ва хуссий тадбиркорликнинг ривож

билан боғлиқдир. Бу ҳолат эса корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини рағбатлантириш даражасининг ривожланиши билан тавсифланади.

Истиқболда иқтисодиёт тармоқларида ҳам ўзгаришлар юзага келади. Бу ҳолат ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши асосида рўй беради.

Умумий саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда истиқболда ўзгаришлар саноат соҳасига талаб натижасида-содир бўлади, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналарнинг ривожланиши ҳисобига бу соҳа янада юксалди. Савдо айланмасининг тўлиқ мувофиқлашуви натижасида бу соҳада кўрсаткич улуши пасайиши содир бўлади.

Худудларнинг машинасозлик ва металлга ишлов бериш, енгил саноат, айниқса, трикатаж, тикувчилик буюмлари, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва улуши етарли даражада мас. Ваҳоланки, барча соҳада ишлаб чиқариш фаоллиги тенглашса, ижобий натижаларга эришамиз 7-жадвал.

7-жадвал.

Республика ЯИМ да худудлардаги кичик корхоналарнинг ялпи худудий маҳсулотдаги улушининг истиқболда ўсиб бориши (фоиз ҳисобида)¹²

Республика худудлари	2000	2005	2010	2015	2015 йилда
----------------------	------	------	------	------	------------

¹² Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси асосида ҳисобланди.

	йил	йил	йил	йил	2000 йилга нисбатан ўсиши. Фоиз
Ўзбекистон Республикаси	31,0	38,2	52,1	66,1	213,2
Қорақалпоғистон республикаси	26,9	48,9	57,9	66,9	248,7
Вилоятлар					
Андижон	32,9	38,7	49,9	61,1	185,7
Бухора	33,0	44,4	51,1	57,8	175,2
Жиззах	37,1	64,4	73,0	79,8	215,1
Қашқадарё	25,8	38,4	45,8	58,4	226,4
Навоий	21,5	20,9	33,5	46,1	214,4
Наманган	33,4	51,4	75,4	81,4	243,7
Самарқанд	44,3	54,5	68,3	78,9	178,1
Сурхондарё	39,1	45,9	64,8	81,7	208,9
Сирдарё	38,9	58,8	72,5	80,6	207,2
Тошкент	34,0	36,3	45,6	54,9	161,5
Фарғона	32,0	43,9	64,7	82,3	257,2
Хоразим	34,2	54,2	78,3	81,9	239,5
Тошкент шаҳри	41,5	54,3	70,2	79,1	190,6

Республикамизда кичик корхоналар томонидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсишини яратилаётган имкониятлардан фаоллик билан фойдаланиш эвазига таъминлаш мумкин. Бизнинг ҳисобларимизга кўра, 2015 йилга бориб, республика бўйича кичик бизнеснинг ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмидаги 66,1 фоизга етказиш, кичик тадбиркорлик корхоналарининг йиллик маҳсулот ишлаб чиқаришининг ўсиши 2,5 фоиздан кам бўлмаган ҳолатдагина амалга ошади. Бунинг учун ҳудудлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг республика бўйича ишлаб чиқарилган ЯИМ даги улушининг истиқболда қуйидагим ҳолатда ўсиб боришга эришиш зарур.

Экспорт диверсификацияси, яъни хорижга сотилаётган товар ва хизматлар номенклатурасининг кенгайиши, жами экспортда алоҳида товар ёки хизматлар тури (айниқса. Хомашё) улушининг катта бўлишига барҳам берилиши, маҳсулотларимиз экспорт қилинаётган мамлакатлар географиясини кенгайтириш экспорт ҳажмининг барқарор бўлишини таъминлайди, миллий иқтисодиётнинг ташқи бозордаги салбий ўзгаришларга таъсирчанлиги даражасини пасайтиради.

Экспорт таркибида бир ёки бир неча товарлар улушининг сезиларли даражада ортиб кетиши бу товарлар нархи пасайган ёки уларга ташқи талаб қисгарган ҳолатларда экспортчи корхоналарни оғир аҳволга солиб қўйиш мумкин. Бунинг натижасида экспорт ҳажмининг қисқариши валюта тушумларининг камайиши, ташқи савдо балансининг ёмонлашуви ва корхоналар молиявий аҳволининг тангликка юз тутишига олиб келиш мумкин. Шунингдек, экспорт умумий ҳажмининг кам сонли давлатларга боғланиб қолиши ҳам қалтис ҳолат ҳисобланади.

Президентимиз маърузаларида илгари сурилган тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортни фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтириш вазифасини амалга ошириш экспорт ҳажмини барқарор ўстириш, ташқи бозордаги ўзгаришлар таъсирида унинг ҳажми кескин камайиши хавфини бартараф этиш имконини беради.

Экспорт қилинаётган товарларни диверсификация қилиш, уларни импорт қиливчи мамлакатлар географиясини кенгайтириш бу мамлакатлардан бири ёки бир гуруҳининг иқтисодиётида муаммолар рўй берганда ҳам экспорт ҳажмининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик имконини беради.


Ўтган йиллар мобайнида экспорт қиливчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, ташқи савдо таркибида ижобий

силишларга эришиш, унинг ҳажмини барқарор ўстириш имконини бермоқда.

5-расмда

5-расм

**Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси
динамикаси, млн. АҚШ долл.**



Самарқанд вилоятида хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарнинг асосий кўрсаткичлари

	Ташқи савдо айлан-маси, минг АҚШ долл	2010 йил январ-сентя-брига нисбатан фоизда	Экспорт, минг АҚШ Долл.	2010 йил январ-сентя-брига нисбатан фоизда	Импорт, минг АҚШ долл.	2010 йил Январ-сентя-брига нисбатан фоизда	Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар			
							рўйхатга олинган-лар сони, бирлик	шу жумладан, фаолият кўрсатаётганлари, бирлик	экспорт хажми, минг АҚШ долл.	ҳисобот даврида ташкил этилди, бирлик
Жами	317810,9	90,1	66916,6	55,5	250894,3	108,1	179	165	31839,2	4
Шаҳарлар:										
Самарқанд ш.	174972,8	94,8	35124,2	55,2	139848,6	115,7	102	90	8053,5	1
Каттакўрғон ш.	1464,9	4,8 м	157,9	58,5 м	1307,0	4,3 м	4	4	117,6	-
Туманлар:										
Оқдарё	951,1	67,6	-	-	951,1	87,1	2	1	-	-
Булунғур	2853,1	2,3 м	2267,1	2,4 м	586,0	188,6	2	2	1973,4	-
Жомбой	8074,4	56,9	1904,0	65,9	6170,4	54,7	12	12	993,4	-

Иштихон	1254,4	2,6 м	-	-	1254,4	2,9 м	1	1	-	-
Каттакўрғон	2025,9	51,5	-	-	2025,9	51,9	2	2	-	-
Қўшробот	39,7	85,9	-	-	39,7	85,9	-	-	-	-
Пайарик	884,8	58,1	67,5	14,1	817,3	78,2	1	1	67,5	1
Пастдарғом	21909,7	49,7	12757,2	30,4	9152,5	4,4 м	7	7	11184,1	-
Пахтачи	1554,5	2,2 м	29,9	-	1524,6	2,2 м	2	2	-	-
Самарқанд	20372,6	96,4	4595,5	121,3	15777,1	90,9	15	15	3955,8	-
Нарпай	5061,1	130,5	3887,0	147,7	1174,1	94,2	2	2	589,3	-
Нуробод	22586,7	153,2	-	-	22586,7	153,2	1	1	-	-
Тайлоқ	25325,6	117,0	4374,6	2 м	20951,0	107,5	4	3	4180,5	1
Ургут	14763,2	81,0	766,3	156,5	13996,9	78,9	22	22	724,1	1

IV-БОБ. САМАРКАНД ВИЛОЯТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА МЕҲНАТ ВА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ.

4.1. Самарканд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида меҳнат хавфсизлигини таъминлаш масалалари.

Бугунги кунда республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатларнинг бош мақсади инсон манфаатларига қаратилган. Бу ҳақда президентимиз ҳам ўз маърузалари ва китобларида кўп бор таъкидлаб ўтганлар.

Шунга кўра, корхоналарда ҳам фаолият кўрсатаётган ходимлар саломатлигини, улар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш корхона раҳбариятининг диққат марказида бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофазаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш» қонунига биноан (5-модда) меҳнат муҳофазаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан назорат қилинади.

Давлат структурасидаги барча бўлимлар бу билан шуғулланиб, бошқариб боришади.

Корхоналарда меҳнат қонунларининг бузилмаслигининг тармоқ назоратини вазир ва бирлашмалар бўйсунуш тартиби билан амалга оширади.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг барча соҳалари бўйича бажариладиган тадбирлар давлат бюджети, корхона, ташкилот, ҳомийлар ва бошқалар томонидан молиявий таъминланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш мажбурийлиги ҳам қонунда батафсил кўрсатиб ўтилган. Унга кўра корхоналар ходимларнинг техника хавфсизлигини таъминлашлари, шу мақсадда тегишли адабиётлар, плакатлар билан таъминлашлари, ходимлар ўртасида инструктажлар ўтказиб туришлари, шунингдек, зарурий ҳолларда ходимларни сўт, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий химоя ва гигиена воситалари билан таъминлаши лозимлиги келтирилган.

Корхонадаги ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатини муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабаларига мувофиқ бўлиши лозим.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланади.

Меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта нохуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгиллаган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа махсус ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битимида кўзда тутилади.

Корхона маъмурияти томонидан меҳнат конунчилигига риоя қилиниши юқори идора органлари, махсус давлат инспекцияси (Гос энергоназор), прокуратура шунингдек қасаба союз органлари ва уларнинг раҳбарлигидаги жамоатчилик назорат қилади.

Қасаба союзларнинг ишлаб чиқаришдаги кумиталари ҳузуридаги меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия ташкил қилинади. Комиссия меҳнат конунчилигига, хавфсизлик техникасига ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоида ва нормалларга риоя қилишни текширади ва меҳнат муҳофазасига оид булган қуриқларда иштирок этади.

Бу комиссия ишчиларга инструктаж бериш ва хавфсиз ишлаш усуллари ургатиш сифатини, ҳатолар ва асбобларнинг тузуклигини, меҳнат муҳофазасига ажратилган маблағларни сарфланишини, бахтсиз ҳодисаларни тугри ҳисобга орилишини назорат қилади, ишлаб чиқариш

травматизли ва касбий касалликлар сабабларини урганади ва маъмуриятга таклифлар киритади, ишчиларнинг махсус коржома, махсус оёк кийими индивидуал химоя воситалари сут, совун, сифатли ичимлик сув билан вақтида таъминланишини назорат қилади. Комиссия истаган вақтида иш уринларини текшириши мумкин.

Мехнат муҳофазаси бўйича жамоат инспектор хужаликнинг ҳар қайси бўлинмасида бир йил муддатга сайланади. У мехнат қонунчилигига риоя қилинишини, инструктажнинг уз вақтида утқазилишини назорат қилади, станоклар асбоб-ускуналар, химояловчи қурилмалар бузуқлигини аниқлаш, чиқиндиларни уз вақтида йиғиштириб олиниши, утиш жойлари ва иш уринларида тартибга риоя қилинишини назорат қилиб туриши зарур, шунингдек ишчилар махсус коржома, химояловчи воситалар, совун билан таъминланишини текшириб туриши зарур.

Қорхоналарда қасаба союз қошида мехнат техникавий инспектори тайинланади. У мехнат қонунчилиги бўйича ишларни қасаба союзига қарашли қорхоналарда назорат қилади. Бундан ташқари қурилган қорхона ва хоналар унинг ижозатиси фойдаланишга топширилади. Ҳамда давлат назорати инспекциялари билан алоқада бўлади. "Йул ҳаракати қоидалари" га риоя қилишни Давлат автоинспекцияси назорат қилади.

Электр қурилмалар, электр тармоқлар, буг қозонлари, электр станциялари, қишлоқ хужалиги қорхоналаридаги қутариш-тушириш техникалари ишлаши ва уларга ҳавфсиз хизмат қурсатиш қоидалари риоя қилишни Давлат энергия назорати инспекцияси назорат қилади.

Давлат санитария назорати Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

4.2. Самарканд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш масалалари.

Ёнувчи модда билан ҳаводаги кислороднинг ўзаро таъсири натижасида жуда тез кечувчи ва кўп миқдорда иссиқлик ажралиб чиқувчи кимёвий реакцияга ёниш дейилади.

Инсониятнинг ҳаёти ва иш жараёнида содир бўлиш эҳтимоли кўп бўлган ва катта талофат келтирадиган бахтсиз ҳодисалардан бири ёнгин ҳисобланади. Шунинг учун корхоналарда ёнгин хавфсизлиги чораларини кўриш, ёнгин содир этган ҳолларда уни ўчиришга мослашган асбобларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Корхоналарда, ташкилотларда хавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси сифатида меҳнат қонунлари ва кодексида ёзиб қўйилган.

Ҳар қандай корхонада ишлаб чиқариш технологияси, ишлатиладиган хом ашёси, чиқарадиган маҳсулоти ва жойлашган биносининг конструкцияси ҳисобга олинган ҳолда ёнгин чиқишга, портлашга ва ёнгин чиққан тақдирда унинг тарқалишига, шунингдек ёнгиннинг асоратига асосланган ҳолда ёнгинга ва портлашга хавфлилик даражаси белгиланади.

Албатта, ҳар бир корхонада ёнгин хавфи биринчи навбатда, у ерда ишлатилаётган хом ашёнинг ва чиқарилаётган маҳсулотнинг ёнгинга хавфлилик даражаси билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам корхоналарни категорияларга ажратганда ишлатилаётган моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ҳисобга олинади.

Корхоналарда ёнгинга қарши кураш ишларини шу корхоналарнинг ёнгинга хавфлилик даражасига қараб, корхона маъмурияти белгилайди. Агар корхонада ёнгин хавфи бўлса, унда ёнгинга қарши кураш бўлими ташкил қилинади. Бундай бўлим ўзининг махсус ёнгинга қарши кураш командаларини ташкил қилади.

Ҳозирги вақтда давлат ёнгинга қарши кураш назоратини Ички ишлар вазирлигининг ёнгиндан муҳофаза қилиш бош бошқармаси амалга оширади.

Унинг асосий вазифаси корхоналарда ёнгин ва портлашга олиб келадиган сабабларни йўқотишга қаратилган ташкилий ва техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишдан иборатдир.

Қабул қилинган технологик лойиҳалашнинг амалдаги меъёрларига биноан барча ишлаб чиқариш корхоналари технологик жараёнларнинг портлаш ва ёнгин хавфи бўйича беш тоифага бўлинади (А, Б, В, Г ва Д).

«А» ҳамда «Б» тоифалар портлаш ва ёнгин хавфи мавжуд корхоналардир.

«В» тоифасига фақат ёнгин хавфи мавжуд корхоналар киради. Улар «А» ва «Б» тоифаларида учрамайдиган ёнувчи суюқлик, чанг ва толалар, қаттиқ ёнувчи модда ҳамда материаллар мавжудлиги билан характерланади.

«Г» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материалларни иссиқ, чўлланган ёки эриган ҳолда ишлайдиган, иш жараёнида нурсимон иссиқлик ажраладиган учкун, аланга чиқиб турадиган, шунингдек, қаттиқ, суюқ ва газсимон ёқилғи ёқиладиган цехлар киради. «Д» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материаллар совуқ ҳолатида ишлатиладиган цехлар киради.

Ёнгин саноат корхоналари, халқ хўжалигининг барча тармоқларида юз бериб, етказадиган зарари жиҳатидан табиий офатларга тенглашиши мумкин бўлган ҳодиса ҳисобланади. Улар катта моддий зарар келтириши билан бирга оғир бахтсиз ҳодисаларга - заҳарланиш, куйиш ҳамда кишилар ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин.

Ёнгинга қарши кураш ишлари давлат миқёсида амалга оширилади. Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, унинг ривожланиб, тарқалиб кетмаслиги чора-тадбирларини олдиндан кўриш, унга қарши самарали кураш олиб бориш ёнгинни ўчиришда қўлланиладиган бирламчи воситалардан тўғри фойдаланишга қаратилган.

Корхонани лойиҳалашда, куришда, технологик жараёни амалга оширишда эътиборга олинadиган ёнгин хавфсизлиги чора тадбирлари келажакда ёнгиннинг олдини олиш ва ундан огоҳлантиришда муҳим ҳисобланади.

Ёнғин хавфсизлиги қоида-талабларининг бузилиши, технологик жараённинг режимга тўғри келмаслиги, электротехник асбоб-ускуналарнинг носозлиги, улардан фойдаланиш қоидасининг бузилиши саноат корхоналарида ёнғин, портлаш бўлишига олиб келади.

Ёнғин содир бўлиши асосан техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши, корхона ва цех маъмурияти томонидан камчиликларга йўл қўйилиши билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд бўлган сабаблар, бериладиган ёки қўйиладиган компонентлар таркиби ва тезлигининг ўзгариши, аралаштирилмаслиги, ускунага бегона модда тушиб қолиши, хом-ашё таркибининг ўзгариши, газ, буғларни йўқотиш усулининг бузилиши ва бошқа ҳолатлар аварияга, портлашга олиб келади.

Технологик жараёнларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги умумий тадбирлар амалга оширилади:

- 1) хавфли технологик усулларни хавфсиз турига алмаштириш;
- 2) ускуна-мосламаларни тусикланган ҳолатда жойлаштириш;
- 3) корхона биноларидаги қўлланадиган ёнувчи ва портлашга хавфли моддаларнинг миқдорини камайтириш;
- 4) ускуна, газ қувурларида, ҳаво алмаштириш тизимида ёнувчи моддаларнинг портлашга хавфли концентрацияси ҳосил бўлишига йўл қўймаслик;
- 5) ёнувчи аралашмаларга ингибиторлар, инерт моддалар қушиш;
- 6) ёнғин алангаланадиган моддаларни сақлашда, улар билан ишлашда инерт мухитини яратиш;
- 7) ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, механизациялаш, узлуксизлигини таъминлаш;
- 8) технологик ускуна ва коммуникацияларнинг герметиклигини таъминлаш ва жараёнда вакуум қўллаш;
- 9) белгиланган технологик режимни аниқ бажариш, стандартларга амал қилиш;
- 10) технологик ускуналарни таъмирлаш, тузатишдан

сўнг ва ишга туширишдан аввал сув буғи ёки инерт газ билан ишлаш;

11) хавфли жойларда ўт манбаининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик;

12) ёнғин ва портлашнинг тарқалишига йўл қўймаслик;

13) кўрик, синов, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишларини ўз вақтида олиб бориш, касб эгалари, мутахассисларни талабга мувофиқ танлаш.

Технологик жараён ва унга боғлиқ, ишларнинг ёнғин хавфлилиги аввалдан бахоланиб, сўнгга хавфни бартараф этиш учун муҳим, аниқ тадбирлар ишлаб чиқилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бино ва иншоотларида ёнғинни ўчириш учун сув, сув буғи, кўпик, инерт газлар, кукунлар, сиқилган ҳаво ва қаттиқ моддалар кенг қўлланилади. Ўт ўчириш моддалари электр ўтказиш ва электр ўтказмаслик хоссаларига эга бўлади. Шунингдек, зарарли кам захарли ва захарсиз турларига булинади.

Хулоса

«Жамиятни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг ҳудудий масалалари (Самарқанд вилояти мисолида)» мавзусидаги магистирлик диссертациясини бажариш мобайнида қуйдаги хулосаларга келинди ва таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Одатда кичик бизнес ҳақида гап юритилганда, кўпроқ биз кичик ва хусусий тадбиркорликни тушунамиз. Бунинг яққол исботи сифатида «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини ҳам олишимиз мумкин.

Бугунги кунга келиб, республикаимиз ижтимоий- иқтисодий ҳаётида «тадбиркорлик», «тадбиркор», «бизнес», «бизнесмен» каби терминлар кенг қўлланила бошлади.

2. Тадбиркорлик ва бизнес тушунчалари мазмунан бир-бирига яқин. У ишбилармонликдан келиб чиққан муносабат бўлиб, бирор бир унумли иш, фаолият билан боғлиқликни англатади.

Бизнес билан боғлиқ шахс бизнесмен дейилади. Бизнес- бу сўз ингилизчадан олинган бўлиб, «бизнес» - иш, «мен» - одам деган маънони англатади. Бизнес- тадбиркорлик, иқтисодий категория бўлиб, хўжалик юритиш усули, иқтисодий фикрлаш туридир.

Бизнес ишлаб чиқаришни ташкил қилишдан иборат фойдали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатиш тизимидир.

3. Мустақиллик йилларида республикаимизда кичик бизнес сезиларли ривожланди. Аммо кичик корхоналарни ташкил қилиш суръати, уларнинг барқарор ривожланиши ва умумий иқтисодий тизимдаги ўрни ҳали бозор иқтисодиёти талабларига тўла жавоб бермайди. Кичик бизнесни ривожлантириш йўлида кўплаб қийинчиликлар пайдо бўлди, уларни фақат

давлат томонидан кўрилган ташкилий ва иқтисодий- ижтимоий чора тадбирлар асосидагина бартараф қилиш мумкин.

Бозор иқтисодиётининг муҳим соҳаси бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш ва уни ривожлантириш биз учун янги ва мураккаб жараён бўлиб, доимий эътибор қаратишни, ёрдам ва қўллаб-қувватлашни талаб қилади.

4. Бундай қўллаб-қувватлаш сўнгги йилларда тобора кенгайиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга, рағбатлантиришга қаратилган янги қонун ва фармонлар нашр қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида иқтисодий ислохотлар, тадбиркорлик ва хорижий инвестициялар бўйича Маҳкамалараро кенгаш ишлаб турибди. Ушбу кенгаш тадбиркорлик секторини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш билан шуғулланади, кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг бозор иқтисодиёти тамойилларидан келиб чиқадиган асосий йўналишлари, шакл ва усулларини белгилайди, кичик бизнеснинг умумий мафкурасини шакллантиради.

5. Давлат томонидан берилаётган ёрдамдан ташқари, Ўзбекистонда тадбиркорликнинг барпо этилиши ва ривожланиши мобайнида тадбиркорларнинг ноҳукумат ва нотижорат ташкилотларига бирлашиш йўли билан ўз-ўзини қўллаб-қувватлаш шакллари тобора кенг тарқалмоқда. Ушбу ташкилотлар тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади, ўз аъзоларини турли шаклларда қўллаб-қувватлайди ва уларга хизматлар кўрсатади. Булар қаторига товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, шахсий ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси, ишбилармон аёллар уюшмаси, анъанавий бадий хўнарамандчилик ва усталар уюшмалари, туристик ташкилотлар уюшмасини киритиш мумкин.

6. Самарканд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши минтақадаги ижтимоий-иқтисодий аҳволага боғлиқ. Шунинг

учун ҳам ушбу саволда Самарканд вилоятидаги умум иқтисодий-ижтимоий ҳолатни кўриб чиқдик.

2010 йилда туманда иқтисодий ислохотларнинг чуқурлаштириш борасида амалга оширилган ишлар ҳукуматимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар ижросига қаратади.

Янги минтақавий маҳсулот ҳажми 10 фоизга, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 17,1% га ,шу жумладан, ноозик-овқат моллари 7,2 % га , ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 9 % га, хизмат кўрсатиш 2,6 % га ошди. Ташқи савдо айланмасида 148 млн. АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди.

Ҳисобот йилида вилоят улуши мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг 6,8 % ини, саноат маҳсулотларининг 9,6% ини, қишлоқ хўжалигининг 9,1 % ини, чакана товар айланмасининг 7 % ини, импортнинг 1,2 % ини ташкил этади.

7. 2012 йил 1 январ ҳолатига Вилоятда рўйхатдан утган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар сони 14890 тадан ортиқ бўлиб, улардан фаолият курсатаётганлари 13155 тани ташкил қилади (фермер хўжаликларсиз).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналарга иқтисодий ва молиявий ёрдам бериб, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида молиявий манбалар ҳисобидан 5,6 млрд. сўм миқдорида кредитлар берилди.

Юқоридагилар шуни кўрсатмоқдаки, вилоятда кичик бизнес ва хусусий корхоналар сони ўтган йилга нисбатан 1,5 баробарга кўпайган, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 2,8 фоизга ошган. Ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотлари ҳиссаси 35,3 фоизни ташкил этмоқда, жумладан иқтисодиёт тармоқлари бўйича унинг улуши саноатда 10,1 %, қишлоқ хўжалигида 70,3 фоиз, қурилишда 31,5 фоиз, савдода ва умумий овқатланиш соҳасида 34,2 фоизни ташкил этмоқда.

8. Самарканд вилоятида 2010 йилда 161 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 2 баробарга ўсди. Кичик бизнес субъектлари ҳисобига 48,9 минг тадан ортиқ қўшимча ишчи ўринлари ташкил этилди.

Кичик бизнес ва хусусий корхоналарнинг вилоят ялпи минтақавий маҳсулотдаги улуши 40,6 фоизни ташкил этиб, 2009 йилга нисбатан 5,7 бандга ортди. Уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 12,7 млрд. сўмдан ортиқроқ кредит маблағлари ажратилди, (11,2 млрд. сўмни тижорат банклари, 1,3 млрд. сўми бюджетдан ташқари фондлар ва 149 млн.сўми Тадбиркорбанк кредит маблағлари). Шунингдек, тижорат банклари томонидан 16 та лойиҳа асосида кичик бизнес субъектларига хорижий кредит линиялари ҳисобидан 659,7 минг АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилди.

9. Вилоятда саноат тармоғида кичик тадбиркорлик фаолияти 2010 йилда 7722,0 млн. сўмни ташкил этиб, фоиз ҳисобида эса ўтган йилга нисбатан 110,0 % га етган. Шундан кичик тадбиркорликда 2010 йилда 43534,4 млн. сўм бўлиб, 2009 йилга таққослаганда эса 129,4 % га ўсишга эришилган. Лекин умумий саноат тармоғидаги маҳсулот ҳажмидаги улуши атиги 5,6 % ни ташкил этиб, шундан кичик корхоналар улуши 2,1 %, якка тадбиркорлик улуши 3,5 %, ҳамда микрофирмалар улуши 0,1 % гина холос. Ушбу таҳлил шуни кўрсатадики саноат тармоғида микрофирмалар, кичик корхоналар, якка тадбиркорлик улушини кўпайтириш борасидаги ишлар амалга оширилиши лозимлиги намоён бўлмоқда.

Жами истеъмол моллари ишлаб чиқариш 2010 йилда 1029,8 млн.сўмни, кичик тадбиркорлик эса 397,5 млн. сўмни ташкил қилган. Кичик тадбиркорликнинг жами ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 38,7% ни ташкил этиб, шундан, кичик корхоналар улуши 10 %, якка тадбиркорлик улуши 28,6 % ни ташкил этган, микрофирмаларда эса истеъмол товарлари

ишлаб чиқариш 0,1 %га тенг. Микрофирмаларда истеъмол моллари ишлаб чиқаришни сезиларли даражада кўпайтириш зарурлиги намоён бўлмоқда.

10. Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси таҳлили шуни кўрсатдики, 2011 йилда 2010 йилга нисбатан барча тармоқларда ўсиш кузатиляпти. 2010 йилда Озиқ-овқат маҳсулотларида кичик тадбиркорлик улуши 32,7 %, шундан якка тадбиркорлик улуши 24%, кичик корхоналар улуши 8,6%, микрофирмалар улуши 24%, кичик корхоналар улуши 8,6% микрофирмалар улуши 0,07. Нооziқ – овқат маҳсулотларида эса кичик тадбиркорликнинг жами ишлаб чиқаришдаги улуши 2011 йилда 76,7 % ни ташкил этган. Шундан якка тадбиркорлик улуши 53,7 % , кичик корхоналар улуши 22,8 %, микрофирмалар улуши эса 0,1% гина холос.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кичик тадбиркорлик субъектлари фаолияти таҳлил қилинганда барча кўрсаткичларда ўсиш кузатилган. Кичик корхоналарнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кичик тадбиркорлик субъектлари фаолияти таҳлил қилинганда барча кўрсаткичларда ўсиш кузатилган. Кичик корхоналарнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кўрсаткичлари 2010 йилда 17,8 мартага ўсганлигини кўриш мумкин. Албатта бундай ўсиш туфайли кичик корхоналарнинг бир қатор кўрсаткичларига таъсир кўрсатиб, корхонани ижобий натижаларга олиб келади. Яъни корхоналарнинг даромади, фойдаси ҳамда ўзининг маблағларини ва бир қатор бошқа кўрсаткичларининг ўсишини ҳам таъминлаши мумкин.

11. Кўпчилик тадбиркорларнинг фикрича ҳозирги кунда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишига тўсқинлик қиладиган асосий омиллардан бири амалдаги солиқ солиш тизими ҳисобланади. Тадбиркорлар солиқларнинг зарурлигини тушунсалар ҳам, улар солиқ солиш жараёнини мураккаблаштирадиган кўпчилик камчиликларнинг мавжудлигини белгилайдилар.

12. Бизнинг фикримизча, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кафолатлари ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қуйдаги йўналишларда олиб борилиши лозим:

- Ўзбекистон Республикаси, жумладан Пайарик туманида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан моддий ва маънавий рағбатлантириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фондларини ташкил этиш;

- Давлат бошқарув органлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини иқтисодий, ҳуқуқий, статистика, ишлаб чиқариш технологияга оид ва самарали фаолият юритиши учун керакли бошқа ахборотлар билан таъминлаш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ишлаб чиқариш технология жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

- қишлоқдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига турли хил имтиёзлар бериш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини имтиёзли кредитлашни кенгайтириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни суғурталаш тизимини такомиллаштириш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т., “Ўзбекистон”, 2010 й.
2. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”. 2000 йил 25 май.
3. “Хусусий корхоналар тўғрисида” 2009 йил 11 декабрь.
4. “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”. 2007 йил 14 декабрь.
5. “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришдир”. Президент Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”. 2010 йил 30 январь.
6. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқоролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. // Т.,- 2010.
7. “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир”. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // “Зарафшон”. 2010 йил 10 декабрь.
8. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий –иқтисодий

ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // “Халқ сўзи”. 2011 йил 22 январь.

**Президент Фармонлари, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг
қарорлари, турли дастурлар, йўриқнома ва бошқа меъёрий
ҳужжатлар**

1. “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги Қарори. 2005 йил 15 июн.
2. “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2005 йил 20 июн.
3. “Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони. 2005 йил 21 июл.
4. “Табирикдорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори. 2006 йил 24 май.
5. “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2006 йил 18 апрель.
6. “Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2011 йил 15 май.
7. “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2011 йил 4 апрель.

8. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2011 йил 24 август.

1. Китоблар ва туркум нашрлар

1.1. Бир томлик китоблар, монографиялар, дарсликлар, мақолалар тўплами

- 1.1.1. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: “Fan”, 2005. – 288 б.
- 1.1.2. Абдуллаев Ё.А., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари: 100 савол ва жавоб. (1-қисм) – “Меҳнат”, 2000. – 352 б.
- 1.1.3. Абдуллаев Ё.А. Бозор иқтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб. – “Меҳнат”, 1997. – 230 б.
- 1.1.4. Исроилов Ж.И. Тадбиркорлик субъектларида товарларни ишлаб чиқариш ва сотишни таҳлил қилиш усуллари. (Услубий тавсия). – Самарқанд. СВТИЧТП, 2004.- 38 бет.
- 1.1.5. Қосимова М.С., Ходиев Б.Ю., Самадов А.Н., Мухитдинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. “Ўқитувчи”, 2009.- 139 б.
- 1.1.6. Мирзаев Қ.Ж., Мусаев Б. Кичик бизнесни бошқариш. Самарқанд. 2010. – 137 б.
- 1.1.7. Ходиев Б.Ю. ва б. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2011. – 120 б.
- 1.1.8. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2002.-365 б.
- 1.1.9. Қосимова М.С., Ходиев Б.Ю., Самадов А.Н., Мухитдинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. –Т: “Ўқитувчи”, 2009. - 239 б.

- 1.1.10. Султонов Ш.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши. Рисола. – Т.: “Молия”, 2011.- 32 б.
- 1.1.11. Султонов Ш.А. Истиқлол ва тадбиркорлик. Рисола. – Т.: “Молия”, 2011.- 24 б.

1.2. Кўп томлик китоблар

- 1.2.1. Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик, I қисм – Т.: “Фан ва технология”. 2007. – 387 б.
- 1.2.2. Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик, II қисм – Т.: “Фан ва технология”. 2010. – 217 б.
- 1.2.3. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисоий таҳлил. 2-томлик. – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2001.- 1-қисм 176 б., 2- қисм - 256 б.
- 1.2.4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: “Русский язык”, 1981, 1 том. -526 б.

Интернет ва статистика маълумотлари

1. <http://www.stat.uz>
2. <http://www.ecsocmen.edu.uz>
3. <http://www.worldbank.org>.
4. <http://www.region.uz>
5. <http://www.lex.uz>
6. <http://www.Darvoza.uz>.
7. <http://www.Review.uz>.
8. <http://www.Trade sivilization in USA>

